RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1998 йил 20 июнь, шанба № 73 (1025). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 20 июня 1998 г. № 73 (1025). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Янгича фикрлаб, янгича ишлашга ўрганайлик

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг борыши, пахта ва дон етиштириш, ғўза парваришы ва ғалла ўрим-йиғими қандай бораётгани, соҳага тааллуқли янги қонунларнинг жойларда қай даражада татбиқ этилаётгани билан танишиш мақсадида 18—19 июнь кунлари Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Президентимизнинг водий вилоятидан бошланди. Дастлаб, Олтинкўл тумани «Намуна» жамоа хўжалигидаги Маъруф Насриддинов бошчилик қилаётган бригаданинг бугдойзорлари кўздан кечирилди.

Деҳқон мавсумда ўз ташаббуси билан хориждан келтирилган юқори навли бугдой уруғлигини гектар бошига ўртача 230 килограммдан экган эди. Экин алоҳида меҳр ва эътибор билан парвариш қилингани туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Уруғлик сепилишидан илгари ер яхшилаб текисланган, экин суғорилгандан кейин чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланган ўз самарасини берди.

Хўжалик аъзолари билан сухбат чоғида бу даладан ўртача 85 центнердан хосил йиғиштириб олиш кўзланаётганлиги таъкидланди. Бундай юқори кўрсаткичга эришиш осон эмас, айбатта. Лекин, деҳқонларнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги уларни шундай маррани мўлжаллашга ундади. Ҳақиқатан ҳам бўлиқ ҳосил пишиб етилди.

Президентимиз бундай ғайрат-шижоат учун деҳқонларга мамнуннят изҳор этар экан, хўжалик аъзоларининг турмуши, меҳнат шароити билан қизиқди. Асосий эътибор ишни янгича ташкил этиш масалаларига қаратилди. Бунда ғалла қишлоқ хўжалигини юритишда, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришда пудрат усулини қўллаш ҳақида борди. Ислом Каримов бу борада оила пудрати асосида иш юритиш бир катор афзалликларга эга эканлигини таъкидлади. Бу усул меҳнат, иш ҳаки таксимотида анча енгиллик келтириб чиқаришини уқтирди.

Масалан, битта бригадада ўртача 80 киши ишлайди, оилавий пудрат усули бўйича эса асосан оила аъзолари, яъни ўртача ўн киши меҳнат қилади. Бригададаги саксон кишининг ҳаммаси ҳам бир хил ишламаслиги равшан, масъулият ҳам муайян шахс эмас, бутун жамоа зиммасига тушади. Бу эса иш ҳақини тақсимлашда маълум англашилмовчиликлар, баъзида адолатсизликларни келтириб чиқаради. Аниқроқ айтганда, кимдир нисбатан озроқ ё сифатсизроқ ишлайди, кимнингдир меҳнати эса сифатлироқ ва унумлироқ бўлади. Аммо бригада битта бўлгани боис уларнинг иккаласи ҳам қарийб бир хил миқдорда ҳақ олади. Бу деҳқонда ўз меҳнати натижаларидан қониқмаслик хиссини уйғотиши табиий. Натижада ишга масъулиятсизлик, меҳнатга совуққонлик пайдо бўлади, хосилдорлик камаяди, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўла бошлайди.

Оила пудрати шароитида эса, хўжалик аъзоларининг меҳнатга муносабати тамомила ўзгача. Самарадорлик камайса, бунинг учун масъул бўлган муайян шахс мавжуд, иш ҳақини тақсимлашда юқоридаги каби адолатсизлик бўлмайди. Бу жараён бора-бора пайчиликка айланиб кетади. Замон эса айнан шу усулда иш юритишни тақозо этмоқда. Эндиликда боқимандалик, мулкка бефарқ муносабат, буйруқбозлик билан ишлайдиган даврлар ўтиб кетди. Бугунги кунда ҳаммамиз янгича фикрлаб, янгича ишлашни ўрганишимиз лозим.

Ислом Каримов меҳнаткашлар билан учрашувларда уларнинг шу хусусдаги фикри билан қизиқди.

— Бу ерга келишдан асосий мақсад, кишиларнинг турмушини кўриш, уларнинг меҳнат фаолиятида юзага келаётган муаммолар, турли қийинчиликларни ўрганишдан иборат. Яқинда соҳага доир янги қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Жойларда бу борадаги аҳволни, алоҳида вилоят, туманлардаги вазиятни ўрганиб, янги қонунларнинг амалда кишиларга қандай наф келтираётганини, уларни қониқтирмаган жиҳатларини ўрганишни ҳам мақсад қилган Ислом Каримовдан деҳқонлар ўз фикрларини яширмадилар.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ҳисоб-китоб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Гап шундаки, кўпчилик деҳқонлар ўз меҳнатининг пировард натижасида қанча ҳосил олиш мумкинлигини, қандай кўрсаткичларга эришишини тахмин қила олади. Лекин, пировард даромад, соф фойда миқдори ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. Бу ҳам маълум маънода ривожланишни оқсатадиган омиллардандир.

Мамлакатимиз раҳбари Балиқчи туманидаги қатор жамоа хўжаликлари участкаларида бўлиб, пахта ва ғалла майдонларини кўздан кечирар экан, бу ерларда ҳам меҳнаткашлар турмуши, иқтисодий-ижтимоий вазият билан яқиндан танишди. Ижтимоий-иқтисодий вазият деганда, бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, Мунисхон Муродиллаева раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 11 минг киши яшайди. Лекин, улардан 3 минг нафаригина хўжаликда меҳнат қилади, холос. Раисанинг айтишича, хўжалик ҳудудида бир фабрика, кичик цехлар, машинасозлик хизмат шохобчалари бор. Аммо, фабрикада 300 киши, қолган корхоналарда ҳам тахминан шунча одам ишлаши ҳисобга олинса, меҳнат билан банд бўлган аҳоли сони 4 мингдан ошмайди.

Андижон вилоятида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Чунки, вилоятда аҳоли кўп ва зич жойлашган. Демографик харитага назар солган киши унинг нафақат республика ёки Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёда ҳам аҳоли зичлиги бўйича юқори ўринларда турганини кўради. Бунинг устига, ушбу вилоятда нуфус йилига 3 фоиз кўпаймоқда. Шу боис, Ислом Каримов ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга жалб этиш керакличини таъкидлади. Дарҳақиқат, қишлоққа саноатни олиб кириш зарурлигини Президентимиз кўп бор уқтирган. Шундай қилинса, махаллий аҳоли иш билан тўлароқ таъминланади, эҳтиёжининг катта қисми шу ердаги ишлаб чиқариш ҳисобига қопланади, боқимандалик кайфияти, жиноятчилик ва бошқа иллатлар илдиз отмайди. Бироқ, афсус билан таъкидлаш керакки, қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик корхоналар очиш ишлари ҳамон кўнгилдагидек эмас.

— Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси барпо этилгач, минглаб одамлар иш билан таъминланди, замонавий касб-ҳунарга эга бўлди. Лекин, бир-иккита кичик корхона билан кўпчиликни иш билан банд этиб бўлмайди. Хўжаликларда кичик корхоналар очишни кучайтириш керак,— деди Президент.

Кичик корхона ташкил этишда, аввало, шароитни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш керак. Жойларда қандай имконият ва қанақа эҳтиёж борлигини билиш лозим. Бозор шароити, муҳит, нимани ишлаб чиқариш ва сотиш учун қулаю нима ноқулай? Андижон вилоятида ва умуман республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам бу масала, афсуски, ҳали чуқур ўрганилмаган.

— Бозорни ўрганиш керак,— деди Ислом Каримов,— фақат шундан кейингина тавсия ва таклифларни илгари суриш мумкин. Биз янги замонда яшаяпмиз. Четдан кимларнингдир келиб бизга кўмак беришига умид қилиш —хато.

Президент бокимандалик кайфиятида нима бўлганда ҳам «юқоридагилар ўйласин» деган фикрда яшайдиган даврлар аллақачон ўтиб кетганини яна бир бор қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, одамларни эўрлик билан ишлатиш, уларни мажбурлаб бирор тартиб жорий қилиш даври ўтди. Энди ташаббус ўзимиздан чиқмоғи лозим.

Сафар чоғида Ислом Каримов Андижон туманидаги ғалла уруғчилиги тажриба майдонида бўлиб, олимлар синовдан ўтказаётган турли бугдой навларини кўздан кечирди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Дилшодбек Эралиев мамлакатимиз раҳбарига тажриба жараёнлари, эришилаётган натижалар ҳақида сўзлаб берди. Раҳбар ходимлар, мутахассису олимлар билан мулоқот чоғида Ислом Каримов «Краснодар», «Авукрум», «Крошка», «Юна», «Деметра», «Купава» сингари қатор бугдой навларининг хусусиятлари, ҳосилдорлиги, иқлим шароитига мослиги, касалликларга чидамлилиги билан қизиқди. Шунингдек, юртбошимиз уруғчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ҳақида сўзлади.

— Ғалла мустақиллигини қўлга киритиш учун 4,5 миллион тонна ҳосил йиғиб олишимиз зарур, — деди Президент. — Бунинг учун эса уруғни ўз вақтида етказиб бериш керак. Андижон вилояти қарийб бутун республикадаги суғориладиган ерлар учун уруғлик бугдой етиштириб беради. Бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат бор. Уруғни танлаш ва кўпайтиришда ҳар бир вилоятдаги тупроқ ҳамда иқлим шароитини инобатга олиш лозим.

Президент ўтган йилги уруғлик бугдой кўп томонлама яхши натижалар берган бўлса-да, айрим жойларда эътироз ҳам туғилганини айтиб, масаланинг сиёсий жиҳатига тўхталди ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун аввало иқтисодий жиҳатдан тўла мустақил бўлишимиз кераклигини қайд этди.

Ғалла майдонларини кезар экан, давлатимиз раҳбари меҳнаткашларнинг «Кейс» компанияси комбайн ва тракторлари ҳақидаги фикри билан ҳам қизиқди. Улар бу машиналарнинг ҳар томонлама қулайлигини мамнуният билан таъкидлашди.

— Бу ерларда ҳосил шу қадар мўлки, уни илгариги комбайнларда ўриб бўлмайди, — деди Ислом Каримов меҳнаткашлар билан мулоқотлардан бирида. — Чунки, эски русумли комбайнлар ҳосилнинг катта қисмини побуд қилади. «Кейс»лар эса улардан бир неча баробар тез, сифатли ишлайди. Бу машинада ҳайдовчи учун яратилган шароит ҳам тамомила ўзгача.

Андижон бўйлаб сафари чоғида Президент Ислом Каримов Хўжаобод туманидаги ерости газ омбори қурилишида ҳам бўлди. Лойиҳасининг умумий қиймати 200 миллион АҚШ долларига тенг мазкур иншоот бутун Фарғона водийси аҳолисини газ билан таъминлаш қувватига эга. Мутахассислар Ислом Каримовга омборга ўрнатилган қурилма ва жиҳозларнинг ишлаш жараёни, қурилиш ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Иншоотнинг биринчи навбатини 15 августда ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иншоот билан танишар экан, уни янада сифатлироқ қуриш, жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналар билан таъминлаш, техника хавфсизлигига қатъий риоя этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шу куни Ислом Каримов Фарғона вилоятига ҳам ташриф буюриб, Қува шаҳрида буюк аллома Аҳмад Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйига бағишлаб барпо этилаётган Шаҳристон меъморий мажмуи қу-

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ

ТАБРИГИ

1998 йил 21 июнь куни Ўзбекистонда Тиббиёт ходимлари куни нишонланади. Барча даврларда ва барча халқларда шифокорнинг касби олийҳиммат ва энг инсонпарвар, энг зарур ва қадрли саналган.

Буюк Ибн Сино давридан бошлаб юксалиб келаётган мамлакатимизнинг бой тиббий тарихи мустақиллик шароитида тиббиёт ходимларининг инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, «Соғлом авлод учун» ва «1998 йилда оила манфаати амалга оширишни таъминлаш» бўйича давлат дастурларини бажариш борасидаги фидокорона меҳнатларида изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида касалликларнинг олдини олиш ва ҳарбий хизматчилар соғлиғини муҳофаза қилишдек ўта масъулятли вазифани юксак малакали мутахассислар — ҳарбий шифокорлар бажариб келишмоқда. Улар барча билими, тажрибаси ва қалбидаги самимий меҳр-муҳаббатини мана шу муҳим ишга бағишлаган ҳолда, қўшилмалар ва қисмларни юқори жанговар шайлик ҳамда жанговар қобилиятлилик даражасида сақлаб туришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тиббиёт ходимлари ва соғлиқни сақлаш фахрийларини касб байрамлари билан чин қалбимдан табриклайман. Мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мустақил Ўзбекистонимиз ҳамда унинг Қуролли Кучлари равнақи йўлидаги олижаноб меҳнатларида муваффақиятлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ
генерал-лейтенант Ҳ. ТУРСУНОВ.

ПОЗДРАВЛЕНИЕ

МИНИСТРА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

21 июня 1998 года в Узбекистане отмечается День медицинского работника. Во все времена и у всех народов благородная и самая гуманная профессия врача была наиболее необходимой и почитаемой.

Богатейшая история медицины нашего государства, восходящая к временам великого Ибн Сино, сегодня, в условиях независимости, находит свое продолжение в самоотверженном труде медицинских работников по укреплению здоровья людей, совершенствованию системы здравоохранения, выполнению государственных программ: «За здоровое поколение» и «Обеспечение реализации интересов семьи на 1998 год».

В Вооруженных Силах Республики Узбекистан ответственнейшие задачи по профилактике заболеваний и сохранению здоровья военнослужащих выполняют высокопрофессиональные специалисты — военные медики. Все свои знания, опыт и тепло человеческой души они отдают этому важному делу, вносят достойный вклад в поддержание высокой боевой готовности и боеспособности соединений и частей.

От всей души поздравляю медицинских работников, ветеранов здравоохранения с профессиональным праздником. Желаю доброго здоровья, счастья и успехов в благородном труде на благо независимого Узбекистана и его Вооруженных Сил.

МИНИСТР ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
генерал-лейтенант Х. ТУРСУНОВ.

Шифокорнинг олий бахти

Эл саломатлиги — туман бойлик, юрт равнақи ва фаровонлиги. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг тарихий юксалиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва ҳукумат раҳбариятининг инсон омилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлиги ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида эришилаётган муваффақиятларнинг шак-шубҳасиз энг муҳим негизларидан бири бўлмоқда. Давлатимиз ва жамиятимиз қурилишининг беш асосий тамойилларидан бири бўлган ижтимоий ҳимоя, хусусан, инсон саломатлиги, соғлом, баркамол авлод тарбияси жамиятимиз диққат-марказидаги энг устувор йўналишга айланган, десак хато бўлмайди.

Бизнинг ҳарбий шифокорларимиз зиммаларига ҳам аша шундай шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилган. Шуни алоҳида фахр ифтихор ила таъкидлаб ўтишни истардимки, саломатлик посбонларимиз ўз бурчларини виждонан адо этиб, давлатимиз ва халқимиз ишончини ёруғ юз билан оқлямоқдалар. Бу, энг аввало, фуқароларимиз томонидан улар номига билдирилаётган самимий миннатдорчиликларда ўз аксини топади. Чин юракдан изҳор этилган ташаккур, дил сўзлари эса шифокорлар учун энг олий бахтдир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тиббий хизмат тизимидаги шифо масканлари, хусусан, Чирчиқ, Самарқанд, Термиз, Нукус, Фарғона ҳамда Марказий ҳарбий госпиталлар ўзларининг кўп йиллик шонли тарихига эга. Неча ўн йиллар давомида минг-мингларга фуқароларга саломатлик инъом этиб, ҳаётнинг энг оғир синов чигирқларидан муносиб ўтган мазкур шифо масканлари бугунги кунда ҳам мустақил Ўзбекистонимиз равнақига ўзларининг фаол ва қизғин фаолиятлари билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шундай забардаст саломатлик масканларимиз қаторида Каттақўрғон, Қарши, Навоий ҳарбий госпиталлари ўрин олганлиги эса янада қувонарлидир. Зеро, булар мустақиллигимиз шарофати туфайли барпо бўлди.

Ҳарбий госпиталларимиз хусусида гапирганда, энг аввало, уларнинг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланганлиги, янада муҳими, юксак малакали тиббий шифокорлар таркибига эга эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Шу ўринда, Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини эълон қилган, ўз танлаган тараққиёт йўлидан илк дадил қадам босаётган давр бенхтиёр ёдга тушади. Ўшанда Юртбошимиз И. Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишларга, хусусан, Қуролли Кучларимиз ташкил қилиниши, чунончи, ҳарбий тиббий масканларимизнинг келажагига баъзи бировлар томонидан гумон қилинган фикрлар буткул асоссиз эканлиги ҳозирда тўла ўз исботини топди. Бугунги кунда ҳарбий шифокорларимиз ўзларининг юксак профессионаллик жиҳатлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам энг етакчи ўринларни эгаллаб турганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Ҳарбий шифо масканлари нафақат ҳарбий хизматчилар, шунингдек, кўплаб фуқароларимизнинг ҳам соғликларини тиклашда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Оқ халатли посбонларимиз эл саломатлиги йўлида филофи хизмат қилиш билан биргаликда ўз билим ва малакаларини доимий равишда мукаммаллаштириб боришга ҳам жиддий эътибор қаратганлар. Қатор шифо масканларида илмий изланишлар амалга оширилаётганлиги ҳам шифокорларимизнинг юксак касбий малакага эгалигидан далолат. Хусусан, Марказий ҳарбий госпиталь эндокринология бўлими бошлиғи полковник Э. Маҳмудов, травмотология бўлими бошлиғи майор Ш. Гуломов каби етук малакали мутахассислар ҳозирда қизғин илмий иш устида меҳнат қилмоқдалар. Фан докторликлари ва номзодликларини ёқлаш арафасидалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. Каримовнинг етук малакали кадрлар танлаш ва тайёрлашга бўлган талабини қатъий ва изчил амалга ошира бориб, бу борада ҳам қатор ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Ҳар бир шифокор маълум вақтда мунтазам равишда аттестациядан ўтказилиб, билим ва малака даражасига тааллуқли категория қўйилиб борилади. Шунингдек, тиббий таркиб интернатурасида 3—5 ойлик ўқиш ташкил қилинган бўлиб, шифокорлар у ердаги пухта тақсилдан сўнггина ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўз хизмат фаолиятларини бошлайдилар.

Ҳар йили ўтказилиб келинаётган анъанавий «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг яхши тиббий ҳамшираси» танлови ҳам тиббий жамоалар касбий савиясини янада юксалтиришда ижобий роль ўйнамоқда. Мазкур танлов тиббий таркибнинг умумий аҳволини ойдинлаштиришга ҳам катта ёрдам бераётир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Мудофаа вазирлиги бош жарроҳи подполковник И. Қорабоев, жарроҳлик бўлими бошлиғи полковник Б. Сўфихўжаев, бош инфекциончи полковник М. Эшқобилов каби етук малакали шифокорларимиз сафларидан етиб кадрлар ҳам муносиб ўрин олаётганликлари, айниқса, эътиборли. Мудофаа вазирлигининг бош офтолмологи майор Ф. Қаршибоев, унинг ёрдамчиси капитан Б. Каримов ва катта лейтенант С. Қўзибоев каби заҳирадан ҳарбий хизматга чақирилган шифокорларнинг касбий билим ва малакалари бугунги кун талабларига тўла жавоб бераётганлиги ҳам кадрлар масалалари тўғри ҳал этилаётганлигидан шаҳодатдир.

Халқда «касални даволашдан кўра унинг олдини олиш осон», деган ҳикматли ғап бор. Бу борада мунтазам ўтказиладиган профилактик тадбирлар тиббий хизмат фаолиятининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Санитар-гигиеник бўлимларининг тиббий ходимлари қисм ва бўлинмаларда, шунингдек, бошқа ҳарбий муассасаларда доимий равишда ҳар бир касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борасётганлиги натижасида соғлиғидан шикоят қилувчилар сонининг камайишига эришилмоқда. Шу ўринда барча мутасадди ташкилот ва муассасалар билан биргаликда ҳамжиҳат олиб борилаётган тадбирлар ҳам кўзланган мақсадга эришишимизда пухта замин бўлмоқда. Айниқса, чақирувга қадар тайёргарлик борасидаги ҳамжиҳат ҳаракатлар натижасида Қуролли Кучлар сафига ҳар томонлама соғлом посбонларни танлаш ва чақириш янада яхши йўлга қўйилганлиги эътиборга лойиқдир.

Ҳарбий шифокорлар хизмати ниҳоятда машаққатли ва масъулиятлидир. Туну кун демай, саломатлик посбонлари, қай бир олис гарнизон бўлмасин, ўз вақтида қалб қўри ила шифо беришга доимо шайлар. Бу уларнинг анъанавий ўтказилаётган «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги қўшма ҳарбий машқлардаги фаол иштирокларида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда ўтказилаётган «Ультрабаланс-98» ҳарбий машқларида ҳам 12 нафар вакилимиз шараф билан қатнашмоқда. «Марказий Осиё батальони-97» қўшма ҳарбий машқларида қатнашган ҳарбий шифокорларимиз эса америкалик мутахассислар томонидан оқсоқ ортига таклиф этилган эдилар. Шу йил ҳарбий шифокорларимиз Америка Қўшма Штатларида бўлиб, ҳамкасабалар билан биргаликда тажриба алмашиб, ўз касбий билим ва малакаларини янада ошириб қайтганликлари ҳам ҳарбий шифокорларимизнинг ўз бурчларига садоқатлиликлари, ўзларига билдирилган ишончни шараф билан оқлаётганликлари, дунё миқёсида тан олинаётганликларига ёрқин далолат, деб баҳолаш жоиз.

Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини оширишда, давлатимиз мудофаа қудрати салоҳиятини мустаҳкамлашда, Ўзбекистон ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз тинч-осойишталиги ҳимоясига ўз фидойи хизматлари билан муносиб ҳисса қўшаётган барча ҳарбий тиббий ходимларни касб байрамлари билан чин юракдан табриклайман. Эл саломатлиги, демакки, озод юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлидаги мураккаб ва шарафли хизматларида улкан муваффақиятлар тилайман. Ва улар номидан ишонтириб айтаманки, ҳарбий шифокорлар ўз зиммаларидаги муқаддас бурчни доимо аъло даражада бажаравердилар.

Тиббий хизмат полковниги Р. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббиёт бошқармасининг бошлиғи.

● «УЛЬТРАБАЛАНС-98»

НАСТОЙЧИВОСТЬ И ИНИЦИАТИВА

— Для воинов-узбекистанцев, участников учений «Ультрабаланс-98», характерны дисциплинированность, настойчивость в овладении новыми военными навыками, инициатива — то есть все, что так необходимо будущим миротворцам, — отозвался о наших военнослужащих руководитель группы американских спецназовцев капитан Енг Ли.

Успешно проходят на учениях практические занятия. Не теряется ни одной минуты учебного времени. Этому способствует и то, что наши воины-разведчики прониклись ответственностью за свою воинскую специальность, престиж Вооруженных Сил Узбекистана. Да и тринадцать американских военнослужащих, разместившихся в обычной солдатской казарме, сумев быстро акклиматизироваться, дружно взялись за работу.

Утро для участников учений начинается с подъема в 5.00. Затем в течение часа — спортивные занятия на стадионе. Чередуют методику проведения физзарядки: один день — по нашей, на другой — по американской. На днях после утренней зарядки состоялся футбольный матч. Со счетом 6:4 выиграли узбекистанцы. А днем раньше спецназовцы с крупным счетом обыграли наших разведчиков, но уже в так называемом «американском» футболе.

И вот начинаются непосредственно сами занятия, темы которых отличаются большим разнообразием. Надо отметить, что разведчики, кроме приобретения новых знаний и навыков, расширяют к тому же и свой кругозор в военной области. Судите сами. Уже прошли интереснейшие занятия: «Возможности спецназа США», «Обзор учений «Ультрабаланс» за 1996—1997 годы», «Планирование задач спецназа США, их боевой приказ», «Маскировка личного состава и оборудования».

Детально ознакомили американцы с привезенным оборудованием — средствами связи, наблюдения и разведки, десантными парашютами. Прошло совсем немного времени с начала занятий, а рядовые Д. Очилов и Т. Эльбаев уже свободно выходят на связь с американской радиостанции. Прав был американский капитан — настойчивости нашим воинам не занимать, она помогает им быстро постигать все новое и передовое. Естественно, что свой опыт, полученный в ходе этих учений, солдаты и сержанты передадут своим сослуживцам. Как сказал на вечернем подведении итогов занятий командир взвода разведчиков лейтенант А. Есбердиев, опыт никогда не устаревает, он обладает лишь свойством накапливаться, что является для воина-разведчика, будущего миротворца, немаловажным фактором.

Примечательно еще и то, что за первые несколько дней учений наши сержанты и солдаты уже поднаторели в английском. И этот процесс — двусторонний: американские военнослужащие капитан Д. Купер, сержант Р. Камеруп общаются в ходе занятий на узбекском языке.

По душе пришлась гостям и прекрасная Фергана. Американские военнослужащие совершили прогулку по городу, ознакомились с достопримечательностями, посетили краеведческий музей.

Учения «Ультрабаланс-98» продолжаются, набирают темп.

Капитан Т. АБДУСАНДОВ,
корр. «Ватанпарвара».
(Из района учений).

СЛУЖБОЙ ДОВОЛЬНЫ

Чуть больше месяца прошло с того дня, как начали срочную службу в подразделении лейтенанта В. Хамидова рядовые Б. Садиков, Д. Нурматов, И. Хабибулаев. Под руководством сержантов Б. Рустамова и З. Раджапова они, как и другие новички, за столь короткий срок научились многому — быстро занимать свое место в строю, действовать дружно и слаженно в составе подразделения, владеть стрелковым оружием.

Воинский коллектив, в который попали новички, — дружный, сплоченный. Под руководством младших командиров и опытных офицеров начинающие службу солдаты имеют возможность полностью посвятить себя изучению будущей специальности. Строгий ритм службы, четкий распорядок дня, отличное питание и хорошо организованный досуг пришлись новичкам по душе.

Рядовой В. ШАКИРОВ.

ЯНГИЧА ФИКРЛАБ, ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

рилишини кўздан кечирди. Мазкур мажмуа Нува тепалигида бунёд этилмоқда. Тепаликда қазилма ишлари ўтказган олимлар ундан ноёб тарихий ашёлар, осори атиқалар топмоқда. Қурилиш ишлари билан танишар экан, Президент:

— Бу ерда ўтказилаётган қазилма ишларига илмий нуқтаи назардан туриб, ўта жиддий ёндошмоғимиз зарур, — деди. — Бу заминда Ал-Фарғонийдек буюк алломаларимиздан илгари ҳам тараққиёт риёж топган. Аминманки, қазилма ишлари давом эттирилса, 2,5—3 минг йиллик тарих юзага чиқади.

Ислом Каримов Шаҳристон мажмуини янада гўзал ва обод этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, маслаҳатлар берди.

Сафарининг иккинчи куни Президент Ислом Каримов Фарғона шаҳрида бунёд этилаётган Ал-Фарғоний номидаги марказий майдон ва истироҳат боғига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёни билан танишар экан, бу ерда собиқ тузум даврида шўролар мафкурасига хизмат қилган, ўзбек халқининг ғурурини поймол этадиган ёдгорликлар ҳали-ҳануз кўзга ташланаётганини танқид қилди.

— Биз абадий қоладиган масканларни барпо этишимиз лозим, — деди Президентимиз. — Ҳар бир ишни ниҳоя дид билан ишлаб чиқиш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак. Ал-Фарғонийнинг ҳайкали, боғдаги дарахтлар, фавворалар, ариқлар, йўлакларнинг ҳаммаси шундай бўлиши керакки, бу ерга кирган киши ҳузур қилсин. Шундагина бунёд этилаётган бу маскан ҳақиқатан ҳам чинакам ёдгорлик бўлади.

Ислом Каримов Фарғона кимёвий толалар заводи қошидаги «Полимид-6» корхонасида бўлиб, фаоллар билан суҳбатлашди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлаганлиги, маҳсулотнинг эҳтиёждан ортиғи экспортга чиқарилади. Бу экспорт ҳажми 21 миллион АҚШ долларини ташкил этади, демакдир.

Дастлаб, корхонада фақат гранула ишлаб чиқарилган эди. Кейинроқ унга автомобил шиналарини мустаҳкамлигини оширадиган махсус қатлам — шина корди қўшилди. Яқин келажакда палос тагликлари ҳам ишлаб чиқарила бошланади. Мутахассисларнинг айтишича, сарфланган харажатлар беш йилда қопланади. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари корхонада меҳнат қилаётган хорижлик ҳамкорлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг юртимиздаги ҳаёти, меҳнат шароити билан қизиқди.

Ислом Каримов Фарғона вилояти ҳокимлигида фаоллар билан бўлган учрашувда ислоҳотларни жадаллаштириш, унда раҳбардан тортиб оддий деҳқонгача фидойилик кўрсатиб ишлаш лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Учрашувда қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг оила пудрати, аҳолини иш билан таъминлаш сингари ижтимоий масалалар хусусида сўз юритилди.

Ўлбошчимиз эл-юрт учун, Ватан манфаати учун астойдил ишлаш лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Шундагина мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, халқнинг турмуш даражасини оширишга эришиш мумкин, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиз раҳбарининг Андижон ва Фарғона вилоятларига сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Матбуот котиби А. Зиёев, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов, Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов ҳамроҳлик қилди.

Президент Ислом Каримов 19 июнь куни Тошкентга қайтиб келди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

Приоритет — углубление региональной интеграции

Как уже сообщалось в печати, недавно состоялась встреча глав тюркоязычных государств. В ней приняли участие Президент Узбекистана Ислам Каримов, Президент Казахстана Нурсултан Назарбаев, Президент Турции Сулейман Демирель, Президент Кыргызстана Аскар Акаев, Президент Азербайджана Гейдар Алиев и Председатель парламента Туркменистана Сахат Муродов. По итогам встречи была принята Декларация и по предложению Президента Узбекистана Ислама Каримова принято решение распространить Заявление руководителей тюркоязычных государств в отношении испытаний ядерного оружия, проведенных Индией и Пакистаном. Делегация Узбекистана под руководством Ислама Каримова приняла также участие в международной презентации новой столицы Республики Казахстан — города Астаны.

Нынешний саммит глав тюркоязычных государств уже пятый по счету. После Ташкентского саммита, прошедшего почти полтора года назад, руководителям тюркоязычных стран было что сказать друг другу и высказать свои соображения и предложения по целому ряду самых важных проблем. С обстоятельным и конструктивным выступлением обратился к участникам встречи Президент Узбекистана Ислам Каримов.

В чем суть этого выступления, какие основные идеи и приоритеты, а также практические пути их решения были поданы в выступлении главы нашего государства?

Первое. Президентом Узбекистана подчеркнут один из важнейших приоритетов, определяющих характер взаимоотношений данного содружества, раскрывающий их суть и стратегию, основной принцип взаимоотношений между государствами, соответствующий потребностям времени и мирового развития. **«Для нас является однозначно неприемлемым, — сказал Президент И. А. Каримов, — придание политической и тем более военно-политической направленности нашему форуму в ущерб всемерному содействию и расширению экономических, культурных и гуманитарных связей наших государств на различных уровнях».**

Как политик, далеко смотрящий вперед и думающий о всеобщем мире и стабильности, И. А. Каримов хорошо понимает, что приданіе этому форуму политических или тем более военно-политических целей чревато обострением взаимоотношений, ростом напряженности в регионе, усилением недоверия друг к другу и политической поляризацией, ведущей к разрыву сложившихся связей. Тем более что основной базой, на которой сформировалось сотрудничество тюркоязычных стран, явилась историческая, духовная и культурная общность братских народов. А это надо беречь и этим надо дорожить.

Во-вторых, глава нашего государства подчеркнул настоятельную необходимость повышения результативности подписанных ранее двусторонних и многосторонних договоров и соглашений, более эффективного использования огромных и далеко не востребованных возможностей равноправного и конструктивного сотрудничества, отвечающего национальным интересам тюркоязычных стран, интересам обеспечения стабильности, территориальной целостности и безопасности наших государств. Президент И. А. Каримов особо подчеркнул, что реалии сегодняшнего дня и динамизм развития событий в регионе со всей ясностью свидетельствует о **«необходимости дальнейшего развития и углубления интеграционных процессов государств нашего региона, который с каждым днем приобретает все большее внимание крупнейших государств мира».**

Результативность подписанных соглашений, их практическая реализация, дальнейшая интеграция республик региона в интересах народов наших стран — вот основа сотрудничества братских тюркоязычных государств, важнейшая составляющая их дальнейшего взаимообогащения и процветания.

Президент нашей страны особо подчеркнул, что **«вопросы дальнейшего углубления региональной интеграции должны оставаться одним из приоритетных направлений сотрудничества тюркоязычных государств».**

Исходя из этого, одной из важнейших задач является осуществление коммуникационных проектов, направленных на преодоление транспортной обособленности стран Центральноазиатского региона. Здесь на первое место выходит проект ТРАСЕКА, поддерживаемого Союзом и имеющего хорошую финансовую базу. Его осуществление сделает реальным Транскавказский маршрут с выходом на европейский континент.

Третье. Внимание участников саммита было привлечено к ряду важных, имеющих мировое значение проблем, среди которых:

Аральский кризис. Это одна из самых крупных экологических и гуманитарных катастроф, несущих в себе не только региональные, но и мировые последствия, влияющие и на природу, ее животный и растительный мир, и прежде всего на генофонд населения на огромной территории Центральной Азии. К сожалению, отметил И. А. Каримов, наше понимание пагубности аральской трагедии для здоровья и жизни населения наших стран дальше констатации фактов не идет.

Борьба против организованной преступности, терроризма и незаконного распространения и сбыта наркотических средств. Важность этой проблемы общепризнана, однако нам явно не хватает скоординированности в наших действиях.

Особую актуальность на современном этапе приобретают **вопросы коренного реформирования системы национального образования,** с тем чтобы подготовить подрастающее поколение для того, чтобы оно было способно адекватно ответить на вызовы и проблемы XXI века.

Четвертое. Тюркоязычные государства являются органичной и активной частью сообщества, и они открыты для взаимовыгодного сотрудничества в интересах мира и прогресса. Присоединение Таджикистана к интеграционным процессам центральноазиатских стран — Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана — явилось наглядным подтверждением растущего авторитета стран этого региона, его открытости и перспективности. В рамках сотрудничества особое внимание сегодня обращается на **создание крупных международных консорциумов,** формирование рынка ценных бумаг и реализацию других жизненно важных программ для экономики региона.

Пятое. Реальные успехи в сотрудничестве тюркоязычных стран имеются в области культуры. Это во многом определяется пониманием нашей исторической сути, наших огромных духовных ценностей, которые все больше становятся достоянием всего мирового сообщества, и наших реальных возможностей для расширения таких связей и взаимообогащения. Стало доброй традицией отмечать юбилеи наших великих предков, народных эпосов, древнейших городов — жемчужин Востока. Это, несомненно, служит укреплению дружбы, удовлетворению духовных потребностей народов, расширению культурных связей. **В этом году по решению ЮНЕСКО будут отмечаться два знаменательных юбилея — 1225-летие Имама аль-Бухари и 1200-летие великого ученого аль-Фаргони.** Эти знаменательные даты тоже внесут свой вклад в дело сближения народов, расширения культурного диалога, взаимопонимания между нами.

Состоялись и другие важные мероприятия. В Узбекистане прошли дни культуры Казахстана и Кыргызстана, в Казахстане — Дни культуры Узбекистана. В Ташкенте прошла конференция «Туркестан — наш общий дом», по окончании работы которой была создана Ассамблея культур народов Центральной Азии.

Шестое. Президент Узбекистана особое внимание участников саммита обратил на проблемы безопасности. Речь идет не только о неутихающем конфликте в Афганистане и сложной обстановке в Таджикистане, а прежде всего о растущей опасности распространения религиозного экстремизма, а также той угрозы, которая связана с тем, что все большее число государств Южной Азии стремится к обладанию ядерным оружием. При этом надо иметь в виду, что это не какая-то абстрактная опасность, основанная на теории и предположении, нет, она связана с реалиями сегодняшнего дня, с реальными событиями и фактами. Долг каждого гражданина нашей страны — осознать эту опасность, ее непредсказуемые последствия и сделать все для того, чтобы она не коснулась нашего государства и народа.

А. ХЛЫЗОВ.

Новости науки и техники

КОМПЬЮТЕР В КАЖДОМ ЧЕРЕПЕ

Персональный компьютер будущего будет представлять микросхему, вживленную в мозг его владельца. Энергия же для питания компьютера будет вырабатываться генератором, упрятанным в подошву обуви. Работы в этом направлении уже начались, и «мозговые» компьютеры смогут появиться в течение ближайших тридцати лет. Первыми их обладателями станут военные. Солдаты на поле боя будут избавлены от необходимости пользоваться громоздким радиооборудованием. «Мозговой» компьютер будет связан с глобальной системой посредством спутниковой связи, и военный в любой момент сможет получить необходимую информацию или команду. Однако не все так просто, уже сейчас раздаются голоса о том, что компьютер становится мощным наркотиком, пристрастившись к которому, человек навсегда становится его рабом.

МУТАХАССИСЛАР ТАЪКИДЛАШИЧА

С витаминни катта дозада қабул қилиш жиддий хасталиклар келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, рак ва ревматик артрит касалликларини ҳам. Лечестер (Марказий Англия, Лечестершир графлиги) университети мутахассислари шуни исботлашди-ки, кунига мунтазам 600 миллиграмм С витамини қабул қилиш саломатликка хавф солади.

С витаминли таблетка истеъмол қиладиган миллионлаб одамлар касалликдан фориғ бўлишларига ишонишади. Бироқ ўтказилган текширишнинг кўрсатишича, 500 миллиграммдан ортиқ қабул қилинган С витамини организмга салбий таъсир этади.

«ГОВОРЯЩИЕ» РАСТЕНИЯ

Растения способны передавать друг другу информацию, предупреждая об опасности со стороны. К такому выводу пришли южноафриканские зоологи, изучая причины массовой гибели антилоп. Ученые установили, что акации, составляющие основную пищу антилоп в зимний период, при появлении животных в непосредственной близости от них выделяют химическое вещество, разносимое ветром, и это служит для других предупреждением о надвигающейся опасности. В целях защиты растения начинают вырабатывать повышенное количество танина, что приводит к нарушению пищеварения.

ЭЛЛИК ТУРДА БЎЛАДИ

Миссисипи штатидаги тиббиёт марказ университетининг ходими Кеннет Мур «бош оғриги 50 турда бўлади», деган хулосага келди. Бу жадвал йўтал, туфайли бўладиган бош оғригидан тортиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, туфайли юзага келадиган бош оғриги ва мигрениянинг ҳам ўз ичига олади.

ЛЕД ОБРЕТАЕТ ЖИЗНЬ

Южноафриканским ученым удалось заморозить и оживить более ста сердец животных — главным образом крыс, а также свиньи. Для этого в сердце вводился специальный состав, вытесняющий из клеток воду и предотвращающий образование кристаллов льда, которые разрывают клетки тела во время замораживания. Затем применяли жидкий азот. Для размораживания применяли иной первый состав. Это открытие позволяет надеяться на то, что в будущем с его помощью можно будет решить проблему донорских органов человека.

ШАМОЛЛАШ

Пэрдью (Индиана штати) университети биохимиклари шамоллаш сабабларини аниқлаш йўлида муҳим қадам қўйишди. Улар клеткали рецептор модели компьютерини тузишди ва уни «Ай-Си-Эй-Эм», деб белгилашди.

Тадқиқотчилар фикрича, агар вируслариниг рецепторга ёпишишига тўсқинлик қилиш йўли топилса, шамоллашдан келиб чиқадиган касалликларни 70 фоизга қисқартириш имкони пайдо бўлади.

По материалам печати.

ПОРАДОВАЛИ ВЕТЕРАНОВ

Руководство треста «Узбекгидроэнергострой» организовало поездку группы ветеранов на строящуюся Талимарджанскую ГРЭС — крупнейшую в Центральноазиатском регионе.

Талимарджанцы тепло встретили гостей. Заместитель начальника строительства Парман Примов ознакомил ветеранов с объемом выполненных работ, сообщил о горячем желании коллектива в намеченный срок ввести в строй первый энергоблок мощностью 800 тысяч киловатт.

При осмотре станции ветераны были поражены масштабом Талимарджанского гиганта. Впечатляли чистота и порядок на строительных площадках; в расположенном неподалеку от ГРЭС поселке энергетиков «Нуристан» — везде чувствовался хозяйский подход к делу.

В конце встречи начальник строительства Абдурасул Базаров ответил на многочисленные вопросы, поблагодарил ветеранов за посещение станции, вручил гостям ценные подарки.

По возвращении группа побывала на родине Амира Темура — в городе Шахрисабзе, осмотрела исторические места древнего Самарканда, посетила Сырдарьинскую ГРЭС.

М. ДОКТОРОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАБАРЛАРИ

ОЛМАОТА. «КазАГ» ахборот агентлигининг хабар беришича, собиқ пойтахт аэропортининг учиш-қўниш йўли энг замонавий талаблар асосида қайта таъмирланади.

Мавжуд учиш-қўниш йўлининг узунлиги беш минг метрдан знёдроқ бўлиб, унинг бетон қопламаси анча хароб аҳволга келиб қолган эди. Энди учиш-қўниш йўли ғарб технологияси асосида ёрилмайдиган асфалт-бетон қоришмаси билан қопланади. 30 сантиметр қалинликдаги янги қопламага 26 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади.

БИШКЕК. «Кабар» ахборот агентлигининг хабар беришича, парламентнинг 16 июнь кунги мажлиси жуда ҳаяжонли ўтди. Мажлисда Иссиқкўлга қуйиладиган Варскаун дарёси қирғоғида фалокатга учраган цианидли натрий ташиётган юк машинаси келтирган зарар, фалокатнинг сабаб ва оқибатлари ўрганилди. Унда депутатлар олтин қазиш билан шуғулланадиган «Қумтор оперейтинг компани» Канада — Қирғизистон қўшма корхонаси Президенти Л. Хомеюндан парламентнинг уч кунлик мажлисига кетган жами харажатни тўлашни ва бир миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули беришни талаб қилган.

ОСТОНА. Мамлакатнинг янги пойтахтида қурилиш ишлари давом этмоқда. Аҳоли учун уй-жой қурилиши ҳажми ўсиб бораётир. 1998 йил баҳорда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 марта кўп уй-жой қурилган. Пирик объектлар ва йўллар қурилиши учун жалб қилинган хорижий инвестициялар салмоғи жами қурилиш ҳажмининг 85 фоизини ташкил қилади.

ЎзА.

● АСКАР МАКТУБИ

Эр йигитнинг бахти

Кунлар шунчалар тез ўтар эканки, одамзот ушбу яшин мисол ўтган дамларни сезиб, илғаб қолиши мушкул туюлади. Кечагина бегуборлик фаслида дунё ташвишларисиз ўйнаб, боғча опамизнинг ҳар бир ҳаракати-ю ҳислатига ҳавас ила термулиб ўтирар эдик. Бугун-чи? .....

Бугун мўйлови сабз урган тенгдошларимиз қатори йигитлик бурчимни ўтяпман. Ҳарбий либос кийган биринчи кунларимдан меҳрибон онажоним берган ўгитлар ҳаётда бунчалик тўғри акс этаётганига имон келтираман.

Волидамни эслаганим ҳамон шойр битган ушбу сатрлар хаёлимга қўйилиб келаверади:

Айтар эди бир маҳал
онам,
Ўсиб катта бўлурсан,
ўғлон.
Одил бўлу, мард бўл
чинакам,
Бу икки иш эмасдир осон.

Ахир бу менинг кўнглимда кечаётган ҳис-туйғулар, онам айтган панд-насиҳатлар-ку. Ёки барча оналар ҳам ўғлонига шундай насиҳат қилиб, оқ фотиҳа берадими? Билмам... Балки, ушбу ҳаёт ҳақиқатини таърифлашга сўз ожиздир.

Ватан отлиғ юксак туйғуга муқаддас Она каломини қўшиб она-Ватан, дея айтамиз. Нечун? Бир қаранг-да бу оддийгина ҳодисадек. Аслида-чи? Аслида мазкур ибораниг таг заминида олам-олам маъно яширин, энг олий тушунчалар мужассам.

Она бизни дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарбиялайди, вояга етказади. Баъзан ёвгинамизга сал тирнаган хас-чўп онанинг танасига кириши билан баробар эканига эътибор ҳам бермаймиз. Аввалгилар айтганидек, «бизнинг кўнглимиз далада...»

Ватан эса ёдиради, пчиради. Шу Ватан заминида илк бор тетапоя қадамларимизни қўямиз. Ватанимнинг бир сиқим тупроғи олтиндан-да азизлиги шундандир, балки. Биз шу замин, шу юрт фарзандимиз. Демак, унинг ҳимояси, сарҳадларн дахлсизлиги, тинчлигию осойишталигини сақлаш, Ватани кўз қорачиғидай асраш ҳар бир ўғлоннинг ҳам қарзи, ҳам фарзи.

Ватан қўриқчиси, эл-юрт ҳимоячиси деган номга эришганимни ўйлаган чоғим фахрланиб кетаман. Нечаки, кеча кўча чангитиб юрган, уст-бошини кир қилгани учун онасидан дакки эшитган болакай, эҳ, мен ҳақиқий пасбон дўстларим билан бир сафда. Баъзан ишонгим келмайди. Балки йигитлик бахти ҳам шудир аслида. Шу юрт, шу Ватан фарзандиман, деган ҳар бир ўғлонга ана шундай бахт насиб этсин!

Оддий аскар
В. ВЕРДИҚУЛОВ.

● ТАКЛИФ

Деворий газета ҳам тарбиянинг бир воситаси

Кўпчилик казармаларга киришингизда, шундоқ кириш ёнида деворий газета осиқлиги туради. Ҳеч эътиборингизни бергансиз, ўқигансиз? Ўқимаган бўлсангиз, афсус. Ўқиш керак-да. Менимча, шахсий таркиб билан танишишни деворий газетадан бошласангиз тўғри йўл тутган бўласиз.

Деворий газета чиқариш яхши йўлга қўйилган қисм ёки бўлинмада тартиб-интизом, жанговар тайёргарлик юқори даражада бўлади. Деворий газетада шахсий таркибнинг шу кундаги фаолияти, ҳаёти мана мен, деб акс этиб туради. Албатта, номига, фақат байрамлар баҳона зўрма-зўракилик билан чиқариладиган деворий газеталар бундан мустасно.

Деворий газета ҳам тарбиянинг бир қуроли. Унда шахсий таркибнинг ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам ўз ифодасини топмоғи керак. Мана, яқиндагина Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида ёзги ўқув маёсуми бошланди. Шахсий таркиб назарий машғулотларда қандай иштирок этаяпти, амалий далаўқув машғулотларини қандай ўзлаштириляпти, булар газетада мунтазам ёритилиб бормоғи шарт. Газетада жамчилик, хатоларга йўл қўйган аскар қаламга олиниб, унга дўстона маслаҳат берилса, камчилик, хатолардан қандай қутулиш йўли кўрсатиб берилса, бу албатта фақат ижобий натижа беради. Аълочи аскар шаънига мақтов, яхши гаплар ёзилса, биринчидан, бу — аълочи аскарнинг ўзига маънавий қувват бўлади, иккинчидан, бу — сафдошларига ижобий таъсир этади.

Аскарни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жуда мураккаб ва муҳим вазифа. Биз қачонки, аскарларимизда қадам босиб турган ерига, яшаб турган казармасига, кийиб юрган ҳарбий либосига, бажараётган юмушларига, сафдошларига, командир-бошлиқларига, Ватан тарихига, авлод-аждодларимизга, жонажон Ўзбекистонимизга муҳаббат уйғота олсак, ҳар нарсанинг қадрига етишни ўргата олсак, уларда ватанпарварликни шакллантирган бўламиз.

Деворий газетада аскарларимизда сўзнинг қадрига етишни тарбиялашимиз керак. Сўз қудратли қучга эга. Сўзнинг қудратидан тўғри фойдаланса аскарларимизнинг ватанпарварлик тарбияси борасида анча ишлар қилиш мумкин.

Мен Самарқанд гарнизонига сафарим чоғида катта лейтенант М. Холматов командирлик қилаётган бўлимда деворий газетадан тўғри ва самарали фойдаланаётганларнинг гувоҳи бўлдим. Бўлимда мунтазам равишда ойига бир марта «Тиканак» ҳажвий деворий газетаси чиқарилиб турилибди. Газетага кичик сержант Иброҳим Усмонов ва оддий аскар Азамат Мирзакаримовлар муҳаррирлик қилишмоқда. Газетадан ҳажвий расмлар, танқидий мақолалар кенг ўрин олган.

— Газетамизнинг ҳар бир янги чиққан сони сафдошларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Иброҳим. — Талашиб-тортишиб ўқишади, улар. Самимий танқидимиздан бирорта сафдошимиз хафа бўлган эмас. Аксинча, ундан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Газетамизнинг фойдаси тегаётганлигидан биз либди. Хизмати поёнига етиб қолган катта сержант С. Убайдуллаев аскарлик ҳаётининг ўзига хос томонлари тўғрисида мақола ёзибди.

Бор гап, деворий газетани ҳамма қисм ва бўлинмаларда ҳам мунтазам чиқарилиб турилади деёлмайман. «Нега деворий газета чиқармайсизлар?» деган саволга: «Вақт йўқ» ёки «Қоғоз йўқ», деган жавоб олишигна турган гап. Аслида, ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ. Ҳаракат қилинса, изланилса, вақт, имкон, маблағ топилади.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман: Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмалари ўртасида «Энг яхши деворий газета» кўрик-танлови мунтазам ўтказилса, деворий газетага янада эътибор ошарди, ундан тарбиявий восита сифатида фойдаланиш янада жонланган бўлур эди.

Кўрик-танлов босқичма-босқич, аввал взводлараро, кейин роталараро, сўнгра қисмларарО ўтказилиб, энг охирида гарнизонларарО ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу кўрик-танловни ўтказишда командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари жонбозлик кўрсатишади, деган умиддамиз.

Капитан А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК САРИ

Ўз ҳуқуқини, бурч ва масъулиятини билмаган пасбон Ватани олдидаги фарзандлик қарзини яхши англамайди. Кени кеча офицерлар—Ш. Ибрагимов ва А. Абдурахмонов хизмат қилаётган қисмда «Ягона ҳуқуқий кун» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Ҳарбий қисм клубида кўтаринки руҳда ўтказилган мазкур тадбир ўз олдига ана шундай мақсад қўйди.

Кўзда тутилган мавзу бўйича Республика Ҳарбий прокуратурасининг прокурори аллия майори Б. Абдуранмов атрофлича маъруза қилди. Шунингдек, офицер А. Абдурахмонов ҳам сўзга чиқиб, пасбонларнинг ҳуқуқий саводхонлигини яхшилаш учун қандай чора-тадбирлар кўриш лозимлиги борасида тўхталди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбирда оддий аскар О. Мамараймовнинг онаси Р. Орипова иштирок этиб, фарзанди қаторидаги йигитлик бурчини шараф билан ўтаётган Ватан ўғлонларига эзгу ниятларини билдирди.

Оддий аскар Р. Ганиев эса ҳуқуқий тарбия бўйича пасбонлар ўртасида олиб борилаётган бундай ҳайрли ишлар ўз самарасини беришини айтди.

Катта лейтенант
Т. БЕКМУРОДОВ.

● МАМЛАКАТЛАР, МИЛЛАТЛАР, ОДАТЛАР

ЛИВАН

МАМЛАКАТ ҲАҚИДА

Яқин Шарқда жойлашган Ливан республикаси 10400 километр квадратга тенг. Маълумотларнинг кўрсатишича, 1999 йилгача аҳоли сони 3257000 нафарга етаркан. Мазкур мамлакатнинг пойтахти Бейрут шаҳри бўлиб, араб тили расмий тил сифатида қабул қилинган.

Мамлакат раҳбари президент. Халқ ўз президентини ҳар 6 йилда сайлайди. Президент бош вазирни тайинлаш ҳуқуқига эга. Қонун ишлаб чиқарувчи органи бир палатали миллий ассамблеяда 128 нафар депутат бўлиб, улар ҳар 4 йилда сайланади.

16 йиллик фуқаролар уруши мамлакатнинг кўплаб соҳада ишдан чиқишига сабаб бўлди.

1943 йилда мамлакатнинг миллий байроғи қабул қилинган. 1945 йил 24 октябрда мамлакат БМТга аъзо бўлиб кирди.

60 ФОИЗИ МУСУЛМОН

Мамлакат аҳолисининг 87 фоизи шаҳарда. 13 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Ливанликларнинг 90 фоизи араблардир. Шулардан 400 мингини фаластин араблари ташкил этади. Аҳолининг 60 фоизи мусулмон динига эътиқод қўйган.

ЭНГ КАТТА ПОРТ ШАҲАР

XIX асрнинг биринчи ярмида Ливан Ўрта Шарқнинг асосий экспорт, импорт маркази ҳисобланган. Мамлакатнинг бугунги иқтисодий аҳволи мақтагулик эмас, Нечаки, давомли фуқаролар уруши иқтисодиётни ердан чиқарди. Ливанда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун анча қулайликлар мавжуд.

Мамлакат ўзининг олма, гилос, бодринг, мандарин, қанд лавлаги, дони билан анча машҳур. Цемент, кимё, электр энергия, тўқимачилик саноатлари ҳам аста-секин ривожланиб бормоқда.

Бейрут мамлакатнинг энг катта порт шаҳри бўлгани боис бу ерда иқтисодий ривожланиш тез кўзга ташланаётир.

ЯРМИ ХУСУСИЙ МАКТАБЛАРДА...

Ливанда болаларнинг деярли ярми хусусий мактабларга қатнашади. Ливан университети, Бейрут араб университети ва коллежларда малакали мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, Бейрут Америка университети ҳам ўзига хос нуфузга эга. Аммо мазкур ўқув даргоҳида пулли таҳсил олинади.

А. САФАРОВ тайёрлади.



МЕСТО СЛУЖБЫ - ВНУТРЕННИЕ ВОЙСКА

ОЛТИН КАМАР БЎҒИНЛАРИ

«Мардлар қўриқлайди Ватанни», деб ёзган шоир ушбу кичкинагина жумладаги ҳар бир сўзга қанчалик маъно юклаганини айни кунда яна-да теран ва чуқур англамоқ барчамиз учун ажаб саодат ҳамда биринчи галдаги вазифа саналади. Зеро, Ватан ҳимояси учун энг аввало ҳақиқий мардлар кўксини қалқон мисол тутади.

Мард бўлиш учун эса одамзот ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниқиши, инсоний ҳис-туйғуларини шакллантириши, кундик қони тўкилгач она замин, юрт учун ёниб яшамоги, ўз элининг ҳатто чўлию саҳроси ўзга элдаги жаннат янглиг боғлардан афзаллигини юракдан ҳис қила олмоги лозим. Ана шундай юксак фазилатларни жисму жонида мужассамлантира олган кишиларнигина саждагоҳ каби муқаддас Ватанимиз қўриқчиси, ҳақиқий мард, деб атай оламиз.

Халқимизда яхши бир одат бор. Эр йигитларга ота-онаси ёхуд устозлари белинг бақувват бўлсин, деб белбоғ тақиб қўйишади. Илло, Ватан ҳам ана шундай бақувват эрлар тимсолида ўз аксини топади. Модомики, Ватаннинг-да жиноблигини, яхлитлигини, дахлсизлигини, тинчлигию осойишталигини мустаҳкам тутиб турувчи олтин камари бор. Жиноятдан қатъи назар, шу юрт фарзандиман, мен Ватанга нима бердим, деб яшайдиган ҳар бир инсон ушбу олтин камарнинг бўғинларини ташкил қилади. Мазкур бўғинлар қанчалик пишиқ ва пухта асосга қурилган бўлса, камар ҳам шунчалик мустаҳкам, унинг яхлитлигию бирлиги-да шунчалик жиҳ ва қувватли бўлур. Дунёда ҳеч қандай қувват йўқким, бундай бирликни, жиноликни буза олсин.

Бугунги ҳикоямиз юқорида таъкидланган олтин камарнинг бўғинларини ташкил қилувчи ажойиб инсонлар, мамлакатимизда барқарорликни сақлаш учун курашаётган тинчлик ва осойишталик посбонларининг айрим вакиллари, яъни айниқса ёш авлоди ҳақида.

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Эл орасида, кўча-кўйда, транспортда юрганда «аёл бошни билан баъзан эркаклар эплай олмайдиган ишни қилиб юрибди», «бир аёл бўлса шунчалик бўлсин-да», йўсинидаги гап-сўзларни кўп эшитгансиз. Ҳарбий қисмда бўлиб, у ердаги хизмат ва ҳаёт билан танишар эканман, оддий аскар Дилафрўз Қодированинг ҳаракатларини кузатиб, юқоридаги фикрлар хаёлимда чарх ургандай бўлди.

Дилафрўзларнинг уйи ҳарбий қисмнинг ёнгинасида жойлашган. Хоҳлайдими, йўқми унинг нигоҳи сафда шаҳдам қадам ташлаб кўшиқ куйлаётган ёхуд турли машқлар бажараётган аскар йигитларга тушар, қалбининг туб-тубида ҳарбийликка қандайдир ҳавас куртаклари ниҳо чиқаётганга ўхшарди. Буёғини сўрасангиз, Қодировлар оиласини ҳарбийлар оиласи, деб кўя қолиш осон. Чунки, Дилафрўзнинг акалари — Бахтиёр синовчи-учувчи, Аваз назоратчи, ҳатто поччаси Акром ҳам ҳарбийликнинг таъмини баҳоли қудрат татиб юрибди.

Ёшликдаги ҳавас куртаклари бойсми ёки акаларининг ҳарбийлиги сабабми Дилафрўз туман мудофаа ишлари бўлимида фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда бир-икки йил тажриба ортгач, қайноқ ҳаёт—ҳарбий қисмга иш юритувчи бўлиб ишга кирди.

— Дастлаб бир оз қийин бўлди, — дейди Дилафрўз.— Аммо вақт ўтиши билан кўникиб кетдим. Рота командири катта лейтенант Ўктам Мавлонов, лейтенант Тоҳир Вафоевларнинг менга ҳамма шароитларни яратиб бериш учун қилган ҳаракатлари, соҳага бўлган қизиқишим барча қийинчиликларни енгиб ўтишимга ёрдам берди. Эндиликда бошқа соҳада ишлашимни тасаввур ҳам қила олмайман. Ҳарбий ҳаёт бор гўзаллиги билан мени ўзига бутунлай мафтун этган.

Дилафрўзнинг гапларини тинглаганингиз, сафда шаҳдам қадам ташлаганини кўрганингиз, ҳарбийча саломлашишига назар солганингиз чоғда, ўзини турли касалликларга солиб, Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажаришдан бўйин товлаётган баъзи «йигит»ларга, тоғни урса талқон қиладиган айрим «шерўрак»ларнинг нечун ўз вождони олдида жавоб бера олмаслиги беихтиёр хаёлингиздан кечади.

Энди, даласининг «саъй-ҳаракат»лари туфайли хизмат қилиш ўрнига соя-салқинда сув ёхуд сақич сотиб ўтирган «ўғлон»ларга қарата Дилафрўзнинг айтган гапларига қулоқ тутинг: «Ҳарбий хизмат таъмини татиб кўрмаган, соғлом бўла туриб бурчини бажармаган ўрларни ҳақиқий йигит ҳисобламайман». Хулоса эса аниқ: бурчга садоқат — бу энг аввало Ватан фахри, Миллат кўрки, оташнафас, шерўрак бўлиш билан баробардир.

ИККИНЧИ ҲИКОЯ

Прапорщик Фурқат Қобилов, 1972 йилда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида туғилган, ўрта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматни Байкалорти ҳарбий округида ўтаб қайтган. 1994 йили ҳарбий қисмга назоратчи бўлиб ишга кирган. Фахрий ёрлиқлар ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган. Оилали, бир ўғли бор.

Фурқат билан суҳбатимиз кутилмаган тарзда бошланди: «Тўғрисини айтсам, баъзи бировларнинг ҳарбий соҳада ишлашнинг мушкулликлари бор, деган ёхуд шу йўсиндаги гап-сўзларига унчалик қўшилмайман. Чунки, қайси соҳада фаолият кўрсатманг, сабр-бардошли, матонатли бўлмасангиз «ғўрадан ҳолва» битмайди. Турмушнинг минг бир чигириқлари олдида бу қийинчиликлар не бўлибди.

Рост, баъзан фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилишимиз, бошқаларга нисбатан бедорлигимиз ҳам бор. Лекин бундан ноилож қолмайди, аксинча, масъулиятли вазифани бажараётганимиздан мағрурланишимиз, эл-юрт осойишталиги, Ватан равнақи, Миллат келажаги учун шарафли бурч ўтаётганимиздан фахрланишимиз, халқи, замини тинч мамлакатнинг иқтисодий ўсиш сари юз тутиши мумкинлигини астойдил англамоғимиз лозим».

УЧИНЧИ ҲИКОЯ

Ватанимиз ҳарбий салоҳиятида Ўзбекистон Миллий гвардиясининг алоҳида ўрни бор. Хизматга шайланаётган ҳар бир йигитнинг мазкур гвардияда ёхуд махсус бўлинмалардан бирида бурчини адо этиш орзуси борлиги ҳеч кимга сир эмас. Навбатдаги ҳикоямиз қаҳрамони прапорщик Бахтиёржон Ниёзов ҳам ана шундай ният қилган ва орзуси ушалган йигитлардан.

Ҳарбий хизмат даврининг ёркин хотираларга бойлиги, ҳам маънан, ҳам жисмон чиниқишлари, айниқ мана шу пайтдан бошлаб ҳаётга бошқача нигоҳ билан қараб бошлаганини Бахтиёрнинг ўзи ҳам тан олади.

— Шунинг учун ҳам хизматдан кейин ҳарбий қисмга ишга келдим, — дейди у, — биласизми, инсонни ҳаёт сўқмоғига бошлайдиган қандайдир туртки ёки киши вужудида аллақандай эҳтиёж бўлар экан. Муҳими — мазкур эҳтиёжни вақтида сеза олишингизда. Агар фурсатни қўлдан бермасангиз, ҳаёт йўлида адашмайсиз.

Эндигина йигирма беш ёшни қаршн олаётган йигитнинг ушбу фикрлари ҳар биримизнинг умр йўлимизда ўз аксини топаётганлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Қисм қўмондонлигининг Бахтиёрни тарбиявий ишлар билан шуғулланувчи гуруҳга киритишига ҳам ана шундай ўткир фикрлари сабаб бўлган бўлса не ажаб!

Биз бугун шаҳсий таркибнинг жанговар шайлиги ҳақида кўп гапирямиз. Аммо, ҳарбийлар қалбида биринчи галда юксак туйғуларни шакллантирмасдан туриб, дунёқарашини кенгайтирмасдан, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини оширмасдан туриб, бирор бир ижобий натижага эришиб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Тинчлик ва осойишталик посбонларининг ёш авлоди кўнглидаги бундай теран, уйғоқ фикрларнинг маҳсулдори эртанги нурли кунимиздан дараклиги шубҳасиз.

ТУРТИНЧИ ҲИКОЯ

Болали уй серфайз бўлади, дейишади. Бунга балким болаликнинг беғубор фасллиги, жажжи укажонларимизнинг ширин тиллиги, момою боболаримизнинг невара-чеваралари кулгусини эшитганда олам-олам завқланиши сабабдир. Тангри таоло ўзбек хонадонларини ана шу файздан ҳам кисмаган. Ҳар бир ўзбек ўйида камида 3—4 нафар фарзанд туғилиб, вояга етади. Халқимизнинг болажонлиги ҳам асли шундан.

Акбар Тўқов ҳам Қоғондаги кўп болали оилалардан бирида туғилиб ўсди. Беғубор болаликдан кўнглига туккан фазилатлари: ботирлик, жасурлик, эпчиллик. Йигит киши аввало мана шу хислатларга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди у. Ҳарбий қисмга ишга келгач, ёшликда орзу қилган фазилатларини намойиш этишга имкоият туғилди. Устози, йигирма икки йилдан бери шу соҳада ишлаб келаётган катта прапорщик Қобил Бойқуродов-дан назоратчилик сир-синоатларини ўргана бошлади.

Прапорщик А. Тўқов бир ҳафта соат 8 дан 18 гача кундузги сменада ишласа, навбатдаги ҳафтада соат 18 дан 8 гача тунги сменада кечаларни бедор ўтказади. «Уйқусизлик қийинчилик туғдирмайдими?» — сўрайман ундан.

— Асло, биринчидан, инсон бунга кўникиб кетса, иккинчидан, Ватан учун нафақат ҳафта, балки ойлаб кечаларни бедор ўтказиш бахт. Учинчидан, биз ҳар қандай шароитда хизмат қилишга қасамёд қилганмиз. Қасамёдга, унинг барабарида Ватанга садоқат эса эр йигитнинг ор-номуси ҳисобланади. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас, деб бекорга айтилмаган.

Қани эди, ҳамма ёшларимиз ҳам шундай ўйласа, шундай яшаса. Айтгандай, тез орада Акбар уйланмоқчи. Суҳбатимиз сўнггида у севган ёри Дилфуза билан бўладиган бахт тўйларига таклиф этишни ҳам унутмади.

... ВА НИҲОЯТ ХУЛОСА

Адабиётларда ўқиганим бор: «Тарихни қуёшга ўхшатадилар. Бу рост гап. Унга қараб юрсанг пешонанг ёруғ, йўлинг порлоқ, кўзларинг нурафшон бўлади. Унга орқа ўгирсанг, соянгни кўрасан, холос». Биз ҳам қуёш томон, порлоқ келажак сари қадам ташламоқдамиз. Бунинг барабарида Амир Темур, Бобур каби машҳур саркардаларимиз анъаналарини ҳам унутмаймиз.

Демак, юзимиз ёруғ, эртамиз нурафшон бўлажак. Зеро, ёш дўстларимизнинг мулоҳазали фикрлари бунга тўла асос бўла олади. Эътибор берган бўлсангиз, уларнинг ёши 20—25 атрофида. Айнан улар билан суҳбат қуриб, фикрларини билишимиздан ҳам мақсад бор. Келажак — ёшлар қўлида. Ватан даҳлсизлиги, юрт осойишталигини сақлашдек шарафли ишга уларнинг қанчалик тайёрлиги эртанги кун тақдирини белгилайди.

Илло, Олтин Камар бўғинларидан битгаси дарз кетса ҳам унинг ҳиндслиги, мустаҳкамлигига путур етади. Юқоридаги каби оташнафас юрт фарзандларининг борлиги эса бўғинларнинг қанчалик бақувват эканлигидан далолат эмасми?

Озод РАЖАБОВ,
журналист.

Йигит сўзидан

Барча замонларда ҳам Ватан ҳимояси ва равнақи йўлида ёниб яшайдиган кишиларга юксак ҳурмат кўрсатиб келинган. Рост гапидан, ҳақиқатдан тонмайдиган инсонларнинг қадри эса ундан-да баланд бўлган.

Рота командири капитан Абдулла Ражабов ҳам ўз сўзига, қатъий фикрига эга бўлган, энг муҳими, ўша фикрини бошқаларга ҳам сингдира оладиган ижобий маънодаги «қайсар»лар сирасига киради. У аслий олотлик. 1981 йили тумандаги ўрта мактабни тугатиб, Тошкент алоқа техникумида таълим олди. Ҳарбий хизматни Украиннанинг Херсон вилоятида ўтаб қайтди.

Ўзидаги ҳарбийликка бўлган мойилликни айнан мана шу аскарлик даврида илк бор ҳис этди. Шу боис ҳам хизматдан кейин Бухоро давлат педагогика институтининг бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. У талабалик давридаёқ «қайсар»лиги, ҳарбийларга хос қатъий фикри билан курсдошларидан ажралиб турарди. Хаётда танлаган шиори: «Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас».

1990 йили институтни муваффақиятли тугатгандан сўнг бирмунча вақт Навоий шаҳридаги мактабда ёшларга ҳарбий таълимдан сабоқ берди. Лекин бу жараёнлар унинг қалбидаги эҳтиёжни қондирмас, чинакам ҳарбийликка бўлган интилишлари кун сайин кучаярди... У 1992 йилдан ўз фаолиятини ҳарбий қисмда рота командири ўринбосари вазифасида давом эттира бошлади.

— Ҳарбий хизматдаги баъзи қийинчиликларни бартараф этиш, — дейди капитан А. Ражабов, — авваламбор ўзимизга боғлиқ. Ахир донши халқимизнинг «Олма пиш, оғзимга туш» ҳикмати бежиз айтилмаган. Қандай шароит бўлишидан қатъи назар она-Ватаннинг содиқ ҳимоячиси бўлиш бизнинг муқаддас бурчимиз.

Капитан А. Ражабовнинг зиммасига олган вазифаси анча масъулиятли. У маҳбуслар билан иш олиб борувчи назоратчиларга етакчилик қилади, уларга йўл-йўриқ кўрсатади. Назоратчиларнинг доимий сергаклиги, маълум вазият юзасидан зуллик билан қарор қабул қила олиш қобилиятларини шакллантириш учун тинимсиз изланади. Назоратчи аскарларнинг ўз вазифаларидаги сингари ҳақиқатгўй, бир сўзли бўлишга ҳаракат қилишлари капитан А. Ражабовнинг тинимсиз изланишлари самараси бўлса не ажаб.

Капитан ўз-ўзимизга шароит яратишга ҳаракат қилишимиз лозим, деб бекорга айтмаганди. У ўз қўл остидагилар билан биргаликда хизмат жойи қуриб, ҳозир шу бинога кўчиб ўтишган. Изланган инсон топади, деганлари шу-да!

О. ТУРАБОЕВ.

ЦЕНТР НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ

За прошедший год в солдатских библиотеках и клубах сделано немало по совершенствованию культурно-досуговой и воспитательной работы среди военнослужащих. Так была оценена работа начальников клубов и заведующих библиотек частей и подразделений внутренних войск на прошедших учебно-методических сборах.

Солдатские клубы предназначены быть центром нравственного и воинского воспитания. Немало в их работе зависит от материально-технического снабжения, имеющейся в наличии литературы, наглядных пособий, фильмов и многого другого. Однако, как показывает практика, гораздо большую роль играют профессиональная подготовка клубных работников, творческий подход каждого из них к порученному делу.

В первый день участники сборов поделились опытом работы. О деятельности актива клуба в предвыходные и выходные дни рассказали капитан Н. Дустов и лейтенант Л. Бари, об организации и проведении кинолекционных и литературных вечеров, викторин и диспутов — лейтенант Н Далиев, старший сержант сверхсрочной службы Н. Кери.

Клубными активистами части, на базе которой проходили сборы, был подготовлен тематический вечер из двух отделений: «История народов Узбекистана» и «Узбекистан — Родина моя». В его подготовке и проведении приняли участие капитан Н. Дустов и прапорщик Р. Аманколов. С большим вниманием было заслушано выступление подполковника Т. Алиева — страстного книголюба и большого знатока истории Узбекистана.

Вторую часть вечера вела начальник библиотеки части сержант О. Попова. Благодаря широкому участию солдат и сержантов, членов совета клуба было много стихов, песен и танцев, отрывков из публицистических кинолент.

Какой должна быть современная солдатская библиотека? Этой теме было посвящено специальное занятие. Участники сборов ознакомились с книгохранилищем, оформлением читального зала, новинками художественной и общественно-политической литературы, организацией книжных выставок по общественно-политической подготовке, правовым вопросам.

Заведующие библиотек обновили свои знания по организации учета книг и ведения документации абонентского отдела. К сожалению, по-прежнему актуальными остаются несвоевременное возвращение читателями книг и их утеря.

Во второй день сборов до участников были доведены руководящие документы и приняты зачеты по знанию должностных обязанностей. Были названы и поощрены лучшие начальники клубов и заведующие библиотек. Среди них — офицер А. Жураев, прапорщик Б. Джурабеков, старший сержант Р. Ким, сержант Е. Борисенко и другие.

Интересно прошла встреча с корреспондентом одной из областных газет А. Аминовым. Он рассказал о творческой связи своей газеты с военнослужащими гарнизона, о проблемах, с которыми сталкиваются журналисты, пишущие о службе, жизни и быте военнослужащих. Большую поддержку журналистам в подготовке материалов вполне могли бы оказать начальники клубов, члены военкоровских постов подразделений. Кстати, сотрудники местных газет, радио и телевидения, в свою очередь, охотно помогли бы работникам солдатских клубов в проведении различных мероприятий. Так что такое сотрудничество может развиваться к обоюдной пользе.

Сборы показали, что у клубных работников и активистов имеется немало резервов для проявления инициативы и творчества, укрепления взаимодействия с общественными организациями и культурными учреждениями областей и городов, поселков и кишлаков, в которых располагаются части и подразделения внутренних войск. Современный этап исторического развития нашей республики открывает для этого самые широкие возможности.

Старший лейтенант
К. ШОЕНБЕКОВ.

Юксак тартиб-интизом, кун тартибига қатъий риоя этиш ютуқлар гаровн ҳисобланади. Шунинг учун ҳам рота старшинаси прапорщик М. Мамадалиев аскарлари орталабдан хизмат кунига қанчалик тайёрлигини доимо кузатиб туради.

Б. ОСТРОВЕРХОВ олган сурат.

КЛЯТВА НА ВЕРНОСТЬ РОДИНЕ

Большим праздником стало для воинов части, где заместителем командира по работе с личным составом майор Р. Курбанов, волнующее, незабываемое событие в жизни каждого военнослужащего — принятие Военной присяги.

Митинг открыл заместитель начальника Управления внутренних войск МВД Республики Узбекистан по работе с личным составом полковник Т. Соатов. Отличник боевой учебы младший сержант Ж. Абрагимов, выступивший первым, напомнил новичкам о славных традициях части, пожелал им быстрее освоить воинскую специальность, стать высококлассными специалистами и младшими командирами.

Принимающих присягу солдат поздравили родители и близкие, ветеран войны А. Сраенов, М. Джаматов, председатель местного комитета женщин М. Эшмуратова.

Начинается церемония принятия Военной присяги. Четким, уверенным шагом выходят на строй рядовые А. Шерматов, Л. Михно и их сослуживцы. С волнением зачитывают текст, расписываются и вновь становятся в строй. С этого момента они — полноправные члены дружной воинской семьи.

Затем солдаты и сержанты торжественным маршем прошли мимо гостевой трибуны. Слаженность действий новичков в строю наглядно демонстрировала их высокую дисциплину и старательность, желание с первых дней службы не отставать от опытных военнослужащих.

В этот день в части прошло немало праздничных мероприятий. Перед солдатами и гостями выступил Образцовый оркестр внутренних войск под управлением полковника Г. Теряева, а также ансамбль от дома культуры районного хокимията. Праздник удался на славу и надолго запомнится всем его участникам.

Ш. ШАРИПОВ.

ОТЛИЧНОЕ ПОПОЛНЕНИЕ

Подготовка к приему и обучению нового пополнения на учебном пункте, где начальником майор И. Худайназаров, началась загодя.

В результате прием новичков прошел быстро и качественно, а в эти дни у них успешно завершается адаптация к воинской службе.

О том, что с каждым годом во внутренние войска приходят все более подготовленные и зрелые юноши, свидетельствуют биографии новичков, Рядовой С. Шоймарданов из города Денау Сурхандарьинской области до службы в армии учился заочно на математическом факультете Термезского госуниверситета, был преподавателем в школе. Рядовой Д. Азимов учился в юридическом колледже города Камаши, Каршинец Р. Хакназаров закончил педагогический техникум.

Старший лейтенант
Ш. КАРИМБАЕВ.

ПЕШҚАДАМЛИК ТАШАББУСКОРЛАРИ

Ҳур диёримиз, Ўзбекистонимиз ҳавфсизлиги, Ҳудуди яхлитлиги, ички тартиб-интизом, халқ осойишталиги армиямизнинг кучқаноти бўлган биз аскарларга кўп томонлама боғлиқ. Буни юрагидан ҳис қилган сафдошларим бор кучқувватини ҳарбий билим ва кўникмаларни чуқур эгаллашга қаратганлар.

Сержант Руслан Рўзиев, оддий аскарлар — Алишер Ҳайдаров, Баҳодир Узоқовлар бошқаларга ўрнак бўлиши билан бирга взвод пешқадамлигини қўлдан бермаслик учун ташаббус кўрсатишмоқда.

Ниятим — барча сафдошларим хизматларини мардона ўтаб, ота-оналари саҳрига эсон-омон қайтишси.

Оддий аскар
Ўктам НУРАЛИЕВ.

НА ПЛАНОВОМ МАРШРУТЕ

Без суеты, спокойно личный состав караула готовится в дальнюю дорогу. Заступающий начальником караула прапорщик О. Зарипов внимательно проверяет экипировку и готовность каждого солдата к выезду на плановый маршрут.

Закончился инструктаж, получен боевой приказ на несение службы от командира подразделения — и караул выехал на приемку поста — спецвагона. Прапорщик О. Зарипов и помощник начальника караула сержант З. Хантов внимательно производят наружный осмотр вагона, состояние помещения для караульных, других отсеков.

Спецвагон прицеплен к составу, и начинаются караульные будни. Часовые сменяют друг друга на постах, бдительно следят за вверенным участком. Особого внимания требуют осмотр и прием осужденных. Рядовые З. Темиров, М. Мадалиев не раз отличались, изымая в этот момент запрещенные предметы в самых неожиданных местах — в одежде, обуви, среди продуктов питания.

Новички, впервые заступившие в караул, учатся тонкостям службы на плановом маршруте у начальника караула и опытных военнослужащих, таких, как лучшие часовые рядовые Р. Хонгалиев и В. Базаров.

Впереди — очередная остановка. Прапорщик О. Зарипов отдает необходимые указания очередной смене. Караул продолжает нести службу.

Старший лейтенант
Ш. ЮСУПОВ.

Ҳарбийликка ҳавас

Беҳисоб осмону фалакдан-да, сарҳадсиз, ёруғлик нурида-да чексиз дунёда нима бор? Аловатта, орзулар оғушида қанот қоқмоқ, дейди кўпчилик. Инсон болалигида нималарни орзу қилмайди, дейсиз. Муҳими, ана шу орзулар негизида маълум бир интилишлар, ҳаракатлар вужудга келади. Буюк мақсадлар, орзулар — буюк интилишлар, ҳаракатларни талаб қилади, деган донишманд ие чоғли ҳақ эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Маъмурахон Имомова ҳам ёшлигидан ҳарбий либосдаги инсонларни кўрса завқланар, айниқса форма кийган аёлларга ҳаваси келар, ўзи ҳам улардан бўлишни орзу қиларди. Орзуга айб йўқ, деб шуни айтсалар керак-да.

М. Имомова 1961 йилда Тошкент вилояти Ангрен туманида туғилган. Онаси Мамлакатхон ая Маннонова — ишчи, отаси Абдумуталиб ака Маннонов эса ҳайдовчилик касби билан машғул.

Мактабни аъло баҳолар билан битирган Маъмура Ангрен рекламатсиз техникумига ўқишга кириб, уни 1979 йилда тугаллади. Кейин «Қаршиқурилиш» трестида ҳисобчи бўлиб хизмат қилди. 1983 йилдан то 1993 йилгача меъёрловчи, бир вақтнинг ўзида касаба уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатди.

Лекин, ёшлигидаги орзу—ҳарбийликка ҳавас Маъмурахонга тинчлик бермасди. Шу боис ҳам 1992 йили Қарши шаҳрида ҳарбий қисм ташкил этилганида мазкур қисм молия бўлимига ишга келди. 1995 йилдан эса молия бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. «Ишчи-хизматдаги ютуқлари учун» иккинчи даражали медали, бошқарма фахрий ёрлиқлари, пул мукофотлари билан тақдирланган.

— Ҳарбий соҳада ишлаш аёл киши учун қийинчилик туғдирмайдими? — сўрайман ундан.

— Агар шу соҳани севиб ардоқласангиз, касбингизга меҳр қўйсангиз, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин экан. Мана, ўзимдан мисол: хизматга ҳам, оилавий ишлар, болалар тарбиясига ҳам вақт топилаяпти. Энг муҳими, инсонда ижодий ҳаракат, интилиш бўлсин экан.

Прапорщик М. Имомова иккита фарзандининг меҳрибон онаси, ўғли Аскар аскар бўлиш арафасида. Уни ҳарбий либосда кўриш Маъмуранинг навбатдаги орзуси. Қизи Маърифат 5-синфда ўқийди.

У ғарчи молия бўлимида ишласа-да тартиб-интизомга, аскарларнинг ўзаро муносабатларига бефарқ қараб олмайди. Ўз қўли остидаги аскарларнинг ҳулқи, ҳарбий маданияти ва тарбияси билан жиддий шуғулланади.

Прапорщик тўғри таъкидлаб: «Инсонда ижодий ҳаракат, интилиш бўлсин, Аллоҳ ... ҳислатлар соҳиби ҳар қандай хизматда ўзига ишонарли ишларни қилиши, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлиши. Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан бажариши, шубҳасиз.

Лейтенант Б. ОБОДОВ.

Аскарларнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини оширишда, маънавий савияларини юксалтиришда саммавий ахборот воситаларининг роли катта. Рота командирининг шаҳсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари катта лейтенант Б. Холиқов шаҳсий таркибни «Ватанпарвар» газетасининг ҳар бир сони билан таништириб боришга ҳам ҳаракат қилади.

Б. ОСТРОВЕРХОВ олган сурат.

● 21 ИЮНЯ — ДЕНЬ МЕДИКА

ГОСПИТАЛЬНЫЙ СЕРВИС

О тыловом обеспечении военнослужащих, находящихся на стационарном лечении в Вооруженных Силах — забота особая. О том, как организована работа служб тыла и, в частности, питание больных, нештатному корреспонденту «Ватанпарвара» рассказывают начальник Самаркандского гарнизонного военного госпиталя подполковник медицинской службы Б. ДАВРОНОВ и его помощник по тылу и материально-техническому обеспечению майор К. ХАМРАКУЛОВ.

— Лечение в военном госпитале — не самое приятное событие в жизни военнослужащего, — начал разговор Бахром Давронович, — поэтому первейшая задача персонала госпиталя — сделать все, чтобы создать условия для его быстрейшего возвращения в строй. В нашем госпитале тыловое обеспечение больных тщательно продумано, спланировано и имеет прочную материальную основу.

— У нас хорошая столовая, — вступает в разговор майор К. Хамракулов, — есть теплица, солдатская чайхана, все необходимые хозяйственные помещения. Полный набор столовых приборов дает возможность красиво сервировать столы, повышать и совершенствовать культуру обслуживания. Наличие необходимого кухонного оборудования, содержание его в исправном состоянии позволяет готовить пищу в необходимом ассортименте, с учетом времени года и особенностей питания больных.

Хочется поделиться и личными впечатлениями. Мне довелось побывать в стационарной столовой в предобеденное время, пройтись по помещениям. В зале для приема пищи было светло и уютно. Даже в подсобных помещениях, где еще недавно разделывали мясо, мыли овощи, было все чисто убрано. Повара в белоснежных колпаках и куртках уже заканчивали приготовление пищи, свежие салаты были готовы к подаче на столы.

В меню было записано два первых и два вторых блюда. Почему? Оказывается, для того, чтобы у солдат и сержантов была возможность выбора. Строго в предусмотренное распорядком дня время первая группа военнослужащих зашла в столовую.

В госпитале имеется свое подсобное хозяйство. Что оно дает? Многое. В тепличке-лимонарии растут десять лимонных деревьев. Только в прошлом году с них было собрано 90 кг лимонов, которые пошли на дополнительное питание больным.

Теплица позволяет круглый год обеспечивать столовую зеленью: петрушкой, укропом, сельдереем... Есть и свои овощи: свекла, помидоры, огурцы. И хотя госпиталь своевременно обеспечивается в централизованном порядке овощами и фруктами, дары подсобного хозяйства всегда кстати.

За последнее время здесь были откормлены три бычка, что дало в качестве дополнительного питания больным 600 кг мяса. В этом году будет откормлено уже четыре.

Дважды в месяц командование госпиталя подводит итоги работы продовольственной службы и разбор качества приготовления пищи. А что готовят повара? Плов, шурпу, лагман, халву, джемы — все, что солдат любит и ест с удовольствием. Кроме того, особое внимание уделяется молочным продуктам — свежая сметана, молоко, творог, брынза постоянно на столе у воинов.

Ну а для тех, кто хочет закусить в неформальной обстановке, приходите, мархамат, в солдатскую чайхану. Здесь есть и пирожки, и фрукты, и безалкогольные напитки, можно заказать и горячую пищу.

А как оценивают питание и бытовое обеспечение в госпитале сами больные? Вот письмо от группы военнослужащих срочной службы, проходивших лечение в Самаркандском госпитале: «Выражаем глубокую благодарность коллективу за заботу, внимание, высококвалифицированную медицинскую помощь. Большое спасибо капитану медицинской службы Н. Сандкулову, врачу Л. Фархади, медицинским сестрам О. Курбановой, Ж. Сафаровой, Г. Каримовой. Особенно хотелось бы отметить просто замечательную работу всех служб быта госпиталя. Их достижения — пример для всех, а имеющийся опыт достоин подражания в любом воинском коллективе».

Конечно, заботы хозяйственников не ограничиваются только питанием военнослужащих. Но именно то, что и как ест солдат, является «визитной карточкой» подразделения и части, наглядным показателем уровня заботы командиров и начальников о своих подчиненных.

П. НАГОРНЫЙ,
подполковник в отставке.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

● ТЕННИС: ТУРНИР «ОЛТИН КАЛКОН»

КОМУ ДОСТАНЕТСЯ „ЗОЛОТОЙ ЩИТ“?

В четверг на кортах Министерства обороны стартовал 3-й традиционный турнир среди командного состава Вооруженных Сил по теннису. Если в первый год его участники боролись за «Пулат калкон» («Стальной щит»), во второй — за «Кумуш калкон» («Серебряный щит»), то на сей раз турнир носит название «Олтин калкон» («Золотой щит»).

В этом году организаторы вновь возвратились к прежнему принципу разделения участников на возрастные группы. С той лишь разницей, что теперь их не три, как в позапрошлом году, а две: до 45 лет и старше 45. Согласно жеребьевке составлены 4 подгруппы в первой возрастной и две во второй возрастной группах.

Представляем участников по подгруппам. Первая — Ш. Гареев, О. Намозов, Ф. Шарафов, Р. Салямов, И. Абубакиров. Вторая — И. Абдукаримов, Т. Парпиев, Б. Ишанкулов, А. Мухамедов, О. Садыков, В. Кожухов. Третья — А. Макаров, К. Бердыев, С. Мараимов, Ш. Мамадов, Ш. Хикматуллаев, Р. Абубакиров (вне конкурса). Четвертая — Ф. Хашимов, Б. Ташматов, В. Туракулов, Б. Рахимов, С. Бадалов.

В старшей возрастной группе в первой подгруппе играют Ш. Камбаров, Н. Саидов, Р. Ортиков, Н. Слюсаренко, а во второй — И. Касымов, Р. Халилуллов, З. Ахмадходжаев и И. Кудратов.

Перед началом игр первого дня на торжественном построении участников приветствовал заместитель Министра обороны — начальник Ташкентского гарнизона генерал-майор Кахрамон Абдуллаев. Он пожелал им удачи в спортивных баталиях и служебных успехов.

Затем главный судья соревнований лейтенант Ганишер Рахматуллаев пригласил на центральный корт первую пару соперников — полковников Шавката Камбарова и Назира Саидова. Гость из Ферганы старался изо всех сил, однако ему было очень трудно противостоять многоопытному Камбарову, уже побеждавшему в первом розыгрыше подобного турнира. Выиграв 6:3, он сделал серьезную заявку на двухкратное чемпионство. Во встречах полковников Рената Ортикова с Николаем Слюсаренко и Ильварда Касымова с Романом Халилулловым особой борьбы не получилось — с одинаковым счетом — 6:0, победили Слюсаренко и Халилуллов.

Еще одна встреча в старшей группе, где играли полковники Зохид Ахмадходжаев и Исмат Кудратов, шла с переменным успехом — то очко брал гость из Андижана, то вперед вырывался его визави из Бухары. В конце концов победа досталась Кудратову.

Пыл и азарт старших заразили и игроков младшей возрастной группы. Здесь подполковник Ирисмухаммад Абдукаримов уверенно переиграл майора Баходыра Ишанкулова из Андижана (6:1), полковник Анатолий Макаров — майора Сафара Мараимова (6:1), майор Рустам Абубакиров — майора Шавката Хикматуллаева (6:1), полковник Фарход Хошимов — подполковника Баходыра Рахимова (6:1), а майору Сергею Бадалову победа досталась ввиду неявки соперника.

Если в предыдущих играх все было ясно с первых геймов, то встречи Бердыев — Мамадов и Парпиев — Кожухов выдались упорными. Полковник Кобил Бердыев достойно противостоял андижанцу майору Шухрату Мамадову, хотя и уступил 3:6. А во встрече подполковников Таваккала Парпиева и Владимира Кожухова дело дошло до тай-брека. И здесь нервы покрепче оказались у Т. Парпиева. Счет встречи — 7:5.

В пятницу утром продолжились игры в подгруппах по круговой системе. В их результате будут выявлены 8 четвертьфиналистов в младшей и 4 полуфиналиста в старшей возрастной группах. В утренней программе очередные победы одержали подполковник Олимжон Намазов над полковником Фузули Шарафовым (6:4), подполковник Ирисмухаммад Абдукаримов над подполковником Таваккалом Парпиевым (6:2), полковник Анатолий Макаров над майором Шухратом Мамадовым (6:3), майор Шавкат Хикматуллаев над полковником Кобилом Бердыевым (6:3) и майор Сергей Бадалов над подполковником Баходыром Рахимовым (6:0). В некоторых играх победы присуждались ввиду неявок соперников. Среди ветеранов Камбаров победил Ортикова (6:0).

Таким образом, в ряде групп уже определились фавориты. Путевки в следующий круг обеспечили себе полковники Ш. Камбаров, А. Макаров и Ф. Хошимов, подполковник И. Абдукаримов. Остальные определятся в субботу.

Капитан А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Когда верстался номер. Вчера вечером прошли несколько несыгранных встреч первого дня турнира, а также игры вечерней программы.

В старшей возрастной группе к числу полуфиналистов добавились полковники Н. Слюсаренко и Р. Халилуллов. Здесь же во встрече полковников З. Ахмедходжаева и И. Касымова победу одержал первый (6:2). Набрав одинаковое с ним количество очков, четвертую путевку за счет победы в личной встрече завоевал полковник И. Кудратов.

Итак, у старших продолжают борьбу Ш. Камбаров, Н. Слюсаренко, Р. Халилуллов и И. Кудратов.

Прояснилось положение в первой подгруппе младшего возраста. Первым номером вышел в четвертьфинал полковник Шамиль Гареев, поочередно обыграв подполковников Олимжона Намозова (6:2) и Ильдара Абубакирова (6:4), полковника Фузули Шарафова (6:0). На втором месте Абубакиров, победивший Намозова (6:2) и Шарафова (6:1).

Во второй подгруппе вслед за И. Абдукаримовым вторым номером вышел в следующий круг подполковник Т. Парпиев, в решающей встрече преодолев сопротивление коллеги по ВВС майора Б. Ишанкулова (6:4).

В третьей подгруппе закрепил свой успех полковник А. Макаров, победив полковника К. Бердиева (6:1). На второе место претендуют майоры Ш. Хикматуллаев (2 победы) и Ш. Мамадов (1 победа). Все решится субботним утром.

В четвертой группе первым вышел полковник Ф. Хошимов без единого поражения, а на втором месте с двумя победами майор С. Бадалов.

Как видите, из восьми четвертьфиналистов известны уже имена семерых.

Об остальных событиях и о финале, который состоится в понедельник, 22 июня, мы сообщим позже.

Наш корр.

● ТЯЖЕЛАЯ АТЛЕТИКА: ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА

Три рекорда Игоря Халилова

Похоже, что знаменитый армейский штангист, чемпион Азии-97 Игорь Халилов вновь обретает былую форму после преследовавших его неудач и травм. На проходившем 8—12 июня в Фергане чемпионате Узбекистана супертяжеловес из МХСК установил сразу три рекорда страны — в рывке, толчке и сумме двоеборья.

Теперь для атлетов его весовой категории планка предельных результатов выглядит следующим образом: рывок — 185 кг, толчок — 230 и сумма двоеборья — 415. И это при собственном весе рекордсмена в 128 килограммов.

Рекордную сумму в двоеборье набрал и победитель в наилегчайшем весе (56 кг) Виктор Янский. Мастеру спорта международного класса удалось в общей сложности поднять 242,5 килограмма. Победителями также стали ферганцы Алексей Картунов (весовая категория до 62 кг, сумма двоеборья—255 кг), Нодир Сулейманов (до 69 кг — 310), Роман Арустамов (до 77 кг — 305 кг), Бахтиёр Нуруллаев (до 85 кг — 350 кг) из Ташкента, Фозил Уразымбетов (до 94 кг — 355 кг) из Беруни, представитель столичной области Александр Уриков (до 105 кг — 362,5 кг).

Из армейских атлетов кроме Халилова успешно выступили также мастера спорта из Андижана Валижон Юлдашев (62 кг) и Улугбек Махмудов (94 кг), завоевав в своих весах серебряные медали. Валижон уступил победителю в сумме двоеборья всего 3 килограмма, а сумма Улугбека была ниже чемпионской на 10 кг. Кстати, еще один представитель Вооруженных Сил самаркандец Амри Ходжамов завоевал «бронзу» в весе до 94 кг с суммой в 340 кг. В командном зачете среди обществ первенствовали тяжелоатлеты из ДФСО профсоюзов, на второй позиции — «Трудовые резервы» и на третьей — армейцы.

По мнению главного судьи чемпионата Валерия Манушева, высокие результаты спортсменов стали возможны во многом благодаря образцовой организации соревнований со стороны Ферганского облспорткомитета и Федерации тяжелой атлетики Узбекистана. Вместе с тем они красноречиво свидетельствуют о серьезных намерениях членов сборной страны бороться за медали самой высокой пробы на предстоящих XIII Азиатских играх в Таиланде.

Однако перед поездкой в Бангкок мастеров «железной игры» ждут еще одни домашние старты — на август намечено проведение Кубка Узбекистана.

Анатолий КОНДРАТЕНКО.

СИТУАЦИЯ ПРОЯСНЯЕТСЯ

FRANCE 98

Чемпионат мира по футболу во Франции набирает темп. И если, в стартовых матчах фавориты не всегда демонстрировали присущую им игру, то во втором круге они уже выглядят намного увереннее. Следует отметить и то, что судьи стали намного строже относиться к различного рода нарушениям и без раздумий наказывают игроков не только желтыми, но и красными карточками. Такое требование поставил перед арбитрами новый Президент ФИФА Зепп Блаттер, отметив свое избрание на почетную должность усилением борьбы с «грязной» игрой. Так, в двух матчах группы «С» было удалено пять (!) игроков.

ГРУППА «В»

Сборная Италии матч с Камеруном начала мощно, как бы возвращая долг своим «тиффози» за неудачную игру против чилийцев. На 8-й минуте Роберто Баджо подал мяч во вратарскую, где на месте оказался Луиджи Ди Бьяджо, который открыл счет.

Камерунцев такое начало не смутило. Они продолжали играть в своей манере. Особенно хорош был Франсуа Омам Бийик. Но итальянцы превосходили соперников как в быстроте тактического мышления, так и в решимости, жажде борьбы. Во втором тайме дважды отличился Кристиан Вьери. Первый гол он забил перекинув мяч через вратаря, а второй — после ошибки того же голкипера. Так, победив со счетом 3:0, итальянцы реабилитировали себя перед любителями футбола.

Словно рок преследует чилийцев на последних минутах матчей. Во встрече со сборной Италии они пропустили гол в конце игры. В поединке с командой Австрии южноамериканцы смотрелись лучше соперника. Связка Самарано—Салас постоянно терзала защитную линию австрийцев. И во втором тайме Иван Самарано воплотил преимущество сборной Чили в забитый гол. Минимальный перевес сохранился до конца матча. Но незадолго до финального свистка арбитра австрийцы сумели восстановить статус-кво.

В этой группе лидируют итальянцы, но надежду на выход в 1/8 финала имеют и остальные команды.

	В	Н	П	Р—М	О
Италия	1	1	0	5—2	4
Чили	0	2	0	3—3	2
Австрия	0	2	0	2—2	2
Камерун	0	1	1	1—4	1

ГРУППА «С»

Хозяева чемпионата, как и сборная Бразилии, обеспечили себе путевку в следующий круг соревнований. Французы одержали победу с крупным счетом над командой Саудовской Аравии. Они имели полное преимущество, но в первом тайме удача улыбнулась им только раз. Анри Тьерри заставил арабских футболистов начать игру с центра поля.

Во втором тайме французы отличались еще три раза. Кстати, Анри Тьерри сделал дубль, доведя количество забитых им мячей в чемпионате до трех. В итоге 4:0 в пользу французов.

Справедливости ради надо сказать, что сборная Саудовской Аравии большую часть встречи играла вдесятером. За грубость был удален защитник. Но во втором тайме силы уравнялись — судья покарал красной карточкой одного из лучших игроков чемпионата Зинедина Зидана.

Во встрече Дания — ЮАР красные карточки были показаны трем игрокам — двум датчанам и одному южноафриканцу.

Большая часть игры проходила под диктовку сборной Дании. На 13-й минуте успеха добился Алан Нильсен, и датчане повели 1:0.

В начале второго тайма футболисты сборной ЮАР сравняли счет. После красивой трехходовки Бен Маккарти вышел один на один с голкипером сборной Дании Питером Шмейхелем и отправил мяч в ворота.

Затем последовали удаления, и рисунок игры сгладился. В конце матча южноафриканцы были больше близки к успеху, нежели датчане. Но счет остался неизменным.

Сборная Саудовской Аравии—первый неудачник чемпионата.

	В	Н	П	Р—М	О
Франция	2	0	0	7—0	6
Дания	1	1	0	2—1	4
ЮАР	0	1	1	1—4	1
Сауд. Аравия	0	0	2	0—5	0

● VII ОСИЁ ЁШЛАР ЧЕМПИОНАТИ

ИШОНЧНИ ОҚЛАМАДИЛАР

Шу кунларда пойтахтимизнинг Марказий ҳарбий спорт клуби ўйингоҳида VII Осиё ёшлар (16 ёшлилар) ўртасидаги чемпионатининг саралаш учрашувлари ўтмоқда. Ўзбекистонлик футболчилар билан бир қаторда ушбу гуруҳда Ироқ ва Малдив оролларидан жамоалари қатнашмоқда. Аслида нштирокчилар сони тўртта бўлиши керак эди, аммо Бутан спортчилари келмадилар.

Мусобақанинг биринчи куни Ироқ ва Малдив оролларидан футболчилари куч синашишди. Ироқлик ёшлар учрашувнинг бошидан ташаббусни ўз қўлларига олиб, ҳужумкор руҳда ҳаракат қилишди. Улар рақиблари дарвозаси олдида кўплаб қулай вазиятлар яратишиб, уларнинг бештасидан самарали фойдаланишди. Малдивликларни эса техник ва жисмоний жиҳатдан анча заифликлари маълум бўлди. Ўйин 5:0 ҳисобида якунланди.

Кейинги босқичга ким йўлланма олиши Ўзбекистон ва Ироқ ёшлар жамоалари учрашувида ҳал бўлиши керак эди. Бизнинг футболчилар ё галаба қозониши, ёки ҳеч бўлмаганда дуранг ўйнаб, кейин Малдив оролларини 6 тўп фарқ билан маглубиятга учратиши лозим эди.

Жамоалар учрашувни анча эҳтиёткорлик билан бошлаб, эътиборни кўпроқ ҳимояга қаратишди. Тез орада меҳмонларнинг устунлиги намоён бўлди. Улар майдонда ўзига ишонч билан ҳаракат қилиб, тез-тез ҳужумга ўтиб туришарди. Бизнинг футболчилар аввалига ҳаяжонланаётганлари сезилиб турди. Кейин улар ҳам ўзларини қўлга олишди. Шу кун ўйингоҳга йиғилган ишқибозлар ҳам йигитларимизни қўллаб-қувватлаб, олга боришга ундашарди. Аммо биринчи бўлимнинг охирги дақиқаларида омад ироқликларга кулиб боқди ва Аҳмад Алвам ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Иккинчи бўлимнинг бошида футболчиларимиз ҳужумга зўр беришди. Ироқ жамоаси ҳимоячилари шошиб қолиб, қондани бузишди. Жарима тўпи дарвоза томон оширилганда, ҳужумчимиз Алишер Пўлатов бошқа билан уриб ҳисобни тенглаштирди.

Бироқ орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас Аркан Шамон чамаси 25 метр масофадан дарвозани нишонга олди.

Шундан сўнг йигитларимиз ҳисобни тенглаштиришга анча ҳаракат қилишди. Гол уришга қулай вазиятлар ҳам бор эди, аммо улар қўлдан бой берилди.

Учрашув якупланишига беш дақиқа вақт қолганда заҳирадан майдонга тушган Эмад Ридани ҳимоячиларимиз бўш қолдиришди. Рида бундан самарали фойдаланди ва ҳисобдаги фарқни оширди.

Ўзбекистон жамоаси 3:1 ҳисобида маглубиятга учраб, малдивликлар билан ўтказиладиган ўйин қандай якунланишидан қатъи назар, кейинги босқичга чиқишдан маҳрум бўлди.

«Қозонда бори чўмичга чиқади», дейди халқимиз. Йигитларимиз ироқликларга қараганда бўш ўйнадилар. Хатто ўз майдонида ҳам кўп сонли мухлисларнинг ишончини оқлай олмадилар. Жамоа мураббийлари ва футболчилари ушбу муваффақиятсизликдан тўғри хулосалар чиқаришади ва келгусида ёшларимизни галабалар билан қутлашга мушарраф бўламиз, деган умиддамиз.

● ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУБОГИ

Тўрт учрашувда учта хет-трик

Ўзбекистон Кубоги учун ўтаётган мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи босқичларида йирик ҳисоблар қайд қилиниши табиий эди. Чунки олий ва биринчи лига жамоаларининг техник, тактик, жисмоний тайёргарлиги ўртасида тафовут анча катта бўлиб, учрашувлар тўрт-бешта тўп фарқ ҳисобда тугаши ҳеч кимни ажаблантирмаганди.

Чорак финалга олий лигаининг кучли вакиллари йўлланма олишди. Шундан келиб чиққан ҳолда, футбол мухлислари энди баҳслар кескин ва шиддатли ўтса керак, деб тахмин қилишган эди.

Аммо мамлакатимизнинг тўрт шаҳрида ўтказилган учрашувлар, бунинг аксини кўрсатмоқда. Тўғри, Бухородаги мезбонлар ва «Трактор» жамоаси ўйини бундан мустасно. Пойтахтлик футболчилар бухороликларга қарши муносиб ўйин намойиш қилдилар. Улар ҳатто дурангга ҳам эришиши мумкин эди, аммо бухороликларнинг ҳужумчиси Вячеслав Колоданинг шу кун омади чопиб, «Трактор» дарвозасини уч бор нишонга олишга муваффақ бўлди. Учрашув 4:3 ҳисобида «Бухоро» жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

Бу икки командадан қай бири ярим финалга йўлланма олиши Тошкентда ўтадиган иккинчи ўйиндан кейин маълум бўлади.

Бошқа учрашувларда эса мезбонлар тўла устунликка эришишди. «Нефтчи» — «Насаф» баҳсида фарғоналиклар биринчи бўлимдаёқ қашқадарёликлар дарвозасига тўрт тўп йўллаб, учрашув тақдирини ҳал қилиб қўйишди. Умумий ҳисоб эса 5:1 бўлди. «Нефтчи» таркибида хет-трикка эришган Шуҳрат Мақсудовни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

«Пахтакор» ўйингоҳига йиғилган ишқибозлар ҳам хет-трикнинг гувоҳи бўлишди. Бу йилги чемпионатимизда тўпурарлар бахсида карвонбошилик қилаётган Миржалол Қосимов ушбу учрашувда «Сўғдиёна» дарвозасини уч маротаба забт этди. Пахтакорчилар ютуқлик билан ҳаракат қилиб, яна тўртта гол уришди, «Сўғдиёна» эса фақат биттагина жавоб тўпи қайтара олди, холос.

«Навбаҳор» ва «Дўстлик» жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳам йирик ҳисоб қайд этилди. Наманганликлар меҳмонларни бешта бири биридан чиройли гол билан сийлаб, ўз дарвозаларидаҳлсизлигини сақлаб қолишди.

«Трактор» — «Бухоро» жуфтлигини ҳисобга олмаганда, қолганларида ким ғолиб чиқиб, ярим финалда иштирок этишини ҳозирданоқ айтсак бўлади. Чунки, «Нефтчи» ва «Навбаҳор»ни камида беш тўп, «Пахтакор»ни эса етти тўп фарқ билан маглубиятга учратишни тасаввур қилиш қийин.

Аммо «Сўғдиёна», «Насаф» ва «Дўстлик» жамоаларини Кубок ўйинларида бунчалик бўш қатнашиши сабаблари нимада экан? Ахир бу мамлакатимиз Кубоги мусобақаларига, футбол ишқибозларига ҳурматсизлик эмасми? Охиргача курашмас экансан, бошида Кубок ўйинларидан воз кечиш виждондан бўлармиди?..

Подполковник К. ЖАББОРОВ.

Турфа олам

ЧАҚАЛОҚНИНГ «ПАРВОЗИ»

Махачкалада еттинчи қаватдан йиқилиб тушган иккі ёшли Гаджи Байрамов тирик қолди. Унинг «юмшоқ қўнишига» пастки қаватдаги кўплаб антенналар ва кир ёйиш учун тортилган иплар ёрдам берди.

Боши лат еган, шунингдек, қўли ва оёғи синган кичкинтой ҳозир касалхонада даволанаяпти. Врачларнинг таъкидлашича, Гаджининг ҳаёти хавф остида эмас.

КЛАССИКОЙ — ПО ХУЛИГАНАМ

Некоторые станции метро в городе Ньюкасле в Англии почему-то местные хулиганы особенно облюбовали для своих развлечений. Но вот совсем недавно на всех этих проблемных станциях из репродукторов стала звучать только классическая музыка. И по истечении двух недель число разного рода «антиобщественных проявлений» здорово сократилось. «Несознательные элементы», воспитанные на ревущей и грохочущей музыке, окутанные непривычными звуками классики, начинают чувствовать себя неуютно, нервничают и перестают болтаться на этих станциях. Идея «очищения классикой» оказалась плодотворной.

ОШҚОЗОНДАГИ ТИШ ЧҮТКАСИ...

Қуюқ меҳмондорчиликдан уйига қайтиб келган вильнюслик ёш жувон ўзини ёмон ҳис қила бошлади ва тиш чўткаси билан ошқозонини «тозаламоқчи» бўлди. Қайт қилишни тезлаштириш мақсадида томоғига тиққан чўтка ошқозонга кетиб, меҳмондорчиликни хуш кўрадиган аёл ҳаёт билан ажал ўртасида қолди.

Яхшиямки, у зудлик билан шифохонага келтирилди ва дўхтирлар жонига ора киришди. Ошқозондаги тиш чўткаси олиб ташландиқ, бироқ ўтириш тўғрисидаги таассурот жувон хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса керак.

ИЗ ЧЕГО ЖЕ, ИЗ ЧЕГО ЖЕ, ИЗ ЧЕГО ЖЕ...

Специалисты выявляют все больше различий между полами. Так, установлено, что мужчины лучше ориентируются в пространстве, быстрее запоминают дорогу в незнакомом месте, лучше читают карту. Женщины же лучше усваивают «эмоциональную» информацию. По голосу, выражению лица, жестам они гораздо больше узнают о собеседнике, чем мужчины. Мужчины легче приспосабливаются к житейским ситуациям и с большим упорством и энергией стараются их преодолеть. Они чаще пытаются «изменить» мир. Наконец-то выяснили, чем вызвана чисто женская любовь к бесконечным разговорам. Оказывается, все дело в анатомическом строении их мозга — область, контролирующая речь, у женщин на 20 процентов больше, чем у мужчин.

БОШДАГИ ТУҒНОҒИЧ

Хитойнинг Хубэй провинциясида истиқомат қилувчи 40 ёшли Ли-Биюнь исмли аёл бошининг уч ойдан бери мунтазам оғриб турилиши шикоят қилиб поликлиникага келди. Уни уч соат мобайнида жарроҳлик йўли билан текширишган врачлар ҳайратдан ёқа ушлашди: улар аёл боши терисидан тўғноғич топишди.

Тўғноғич олиб ташлангач, Ли-Биюннинг бошдаги оғрик тўхтади. Бироқ, икки савол шифокорлар бошини қотиряпти: тўғноғич аёл бошида қаердан пайдо бўлган ва у нечун шу пайтгача «жим турган»?

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

ПОГОДА

По сообщению Главгидрометцентра, 20—24 июня в республике без осадков, лишь в отдельных районах возможны кратковременные дожди, грозы.

Температура воздуха будет ночью 16—23, днем 31—36 выше нуля. На юге Узбекистана ночью 20—25, днем 34—39 градусов тепла.

Бош муҳаррир подполковник И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: г.Ташкент, 700031 ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56.17.98; ответственный секретарь — 56-04-60 Отделы: военной службы и воспитательной работы — 69-45.55; по связям с государственными и общественными организациями — 56.02.49; массовой работы и спорта — 56.05.72; культуры и организации досуга — 56.03-48; социологии и рекламы — 56.54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56.16.44. Начальник издательства — 56.04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03.82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50. Заказ № 0265.